


VATANPARVAR

Сайтига ўтиш
учун QR-кодни
сканер қилинг.



ЭР ЙИГИТ ОНТИ

Қасамёд! Эр йигит шараф-ори у,
Садоқат меҳроби, жасорат бонги.
У – ёллар кўксига солажак қутқу,
У – юртининг осуда отажак тонги.

Ўғлонлар умрида бу кун ягона,
Такрори йўқ эрур садоқат онтин.
Оналар кўзига шодлиги жола,
Оталар қутлайди мард зурриётин.

Ватан омон турар шу калом сабаб,
Бу оддий сўз эмас, мардлик садоси.
Юртига жон тикар жўмард, оловқалб,
Дилларни титратар аҳду вафоси.

Дунёлар эврилар, ўзгарар ҳаёт,
Ўзгарар минг турфа қонун-қарорлар.
Аммо ўзгармайди юртга садоқат,
Ўзгармас онтига содиқ шунқорлар.

Қасамёд! Жон берар лафанда туриб,
Шонларга муносиб енгилмас жонлар.
Жанговар байроқни кўзига сўриб,
Ватан пойида тиз чўккан ўғлонлар!

Зулфия ЮНУСОВА

2-бетда



ОЛОВГА КИРИБ ЧИКҚАН
КИЧИК СЕРЖАНТ НАБИЖОНОВ

5-бетда



ЎҒЛОНЛАР ИЛК ЎҚУВ
МАШҒУЛОТИДА

● Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Селекторда мутасадди раҳбарларнинг ҳозирги мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмаётгани, хавфни тушуниб етмаётгани таъкидланди.

Айниқса, Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари ишониб топширилган ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганмаган, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли коронавирус ва бошқа касалликлар бўйича қаерга бориб мурожаат қилишни ва даволанишни билмай, сарсон бўлмоқда. Шошилиш тиббий ёрдамга кўнғироқ қилиб тушиш қийинлашиб кетган.

Президент бундай ачинарли ҳолатлар аҳолининг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

Республика махсус комиссиясига бу икки ҳудудда коронавирус тарқалишига қарши кураш ва аҳолини даволаш ишларига алоқадор барча вазирлик ва идоралар, йирик тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат 24 соат ишлайдиган штаблар ташкил қилиш кўрсатмаси берилди. Ушбу штаблар вазиятни реал вақт режимида назорат қилиб, юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш чораларини кўради.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON



HAFTA ICHIDA

12 СУЯКЛАРНИ
ГИПСЛАШ УСУЛИНИ
КИМ ЯРАТГАН?

13 ДУНЁ
МУАММОЛАРИНИНГ
ДИПЛОМАТИК ЕЧИМИ

14 «ИМТИҲОН МЕН
УЧУН БАЙРАМ»

17 ПАНДЕМИЯ
ЧИҚИНДИСИ



ЖАРАЁН

«КОРОНАВИРУС МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ»

Дунё ҳамжамияти эътибори коронавирусни бартараф этишга қаратилган. Мамлакатимизда ҳам мазкур муаммони ҳал қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳам ушбу глобал масала ечимига муносиб ҳисса қўшяпти. Махсус тактик ўқув режасига кўра, ҳар куни барча округлар кесимида жойларда дезинфекция ишлари амалга оширилмоқда.

Эрта тонгдан Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан бошқа куч тузилмалари билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги бозорлар, савдо шохобчалари, маҳаллалар, аҳоли нисбатан кўп тўпланадиган жойлар тождор вирусга қарши тўлиқ дезинфекция қилинмоқда.

– Коронавирус муаммосини ҳал қилишда барчамиз бирдек масъулмиз, – дейди Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза хизмати бошлиғи подполковник Замон Чориев. – Мақсад фуқароларнинг саломатлигини сақлашдан иборат. Вазиятдан келиб чиқиб, Мудофаа вазирли-



ги тизимида махсус ишлов бериш йўғма батальони фаолияти йўлга қўйилган. Улар ҳар куни пойтахтимиздаги бозорлар, унинг ҳудудидаги савдо дўконлари, кўп қаватли уйлар атрофларида дезинфекция ишларини олиб бормоқда. Минг афсуски, ватандошларимиз орасида

«аслида коронавирус йўқ», деган қараш билан кўча-кўйда хотиржам, ниқобсиз, белгиланган карантин қоидаларига амал қилмаётгани ҳам учрамоқда. Бу билан улар нафақат ўзлари, балки яқинларининг ҳаётини ҳам хавф остига қўяётгани ачинарли.

Махсус тактик ўқувларни амалга ошириш учун 80 га яқин махсус техникалар жалб этилди. Ҳарбий хизматчилар билан ўтказилаётган комплекс ўқув машғулоти эпидемияга қарши курашиш, мазкур муаммони бартараф этиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиялпти.

Дезинфекция тадбирлари юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Лейтенант Шоҳруҳ САИДОВ

БУГУНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

...Ўша куни Қирғули мавзесида яшайдиган одамлар куппа-кундузи, халқ тилида айтганда эса «ёруғ бошида» бир эмас, икки инсон ҳаётини сақлаб қолган қаҳрамонни ўз кўзлари билан кўрди. У Голливуд фильмларидаги каби афсонавий кўринишга эга эмас. Унинг ёпинғич шаклидаги ажабтовур кийимлари ҳам йўқ. У ҳам ҳамма қатори инсон. Энг муҳими, унинг одамлар қувончу ташвишларини ўз кўнглидан ўтказа оладиган тоза қалби, юксак одамийлиги бор. Мана шу хислатлар Фарҳоджонни яна бир бор тўғри йўлга бошлади. Қалб амри машаққатлар ортидан уни яна бир бор кўнгил ҳаловатига етказди.

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни кўриклаш қўшинлари қўмондонлигининг Фарғона шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилиб келаётган кичик сержант Фарҳоджон Набижонов мана, етти йилдирки, Фарғона шаҳар Қирғули мавзесидаги «Табассум» маҳалласидаги кўп қаватли уйда ўз оиласи билан ижарада яшаб келади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа содир бўлишдан бироз аввал у хизмат сафаридан уйига қайтиб келган эди.

Кийимларини алмаштириб бўлган Фарҳоджон кичик қизини кў-

ОЛОВГА КИРИБ ЧИҚҚАН КИЧИК СЕРЖАНТ НАБИЖОНОВ

лига олиб, уни ўйната бошлаган эдиямки, кўчадан шовкин-сурон эшитилди. Деразадан қараса, ўзи бир пайтлар ижарада турган қўшни 17-уйдан ёнғин чиқапти, уй атрофига йиғилган одамлар саросимида. У тезда ўша уй томон ошиқди.

Маълум бўлишича, мазкур уйнинг 25-хонадони ўт ичида қолган. Фарғона шаҳар ёнғин хавфсизлиги бошқармаси кутқарув гуруҳи ҳам чақирув бўйича воқеа жойига етиб келиб, вазиятни ўргана бошлайди. Улар электр таъминотини узиб, ўз ишларини бошлагунча Фарҳоджон тутунга тўлган подъезддан юқорига кўтарилиб, тилсиз ёв ҳунар кўрсатаётган уй эшигини бузиб, ичкарига киради.

Уй ичида, чамаси, 50–55 ёшлар атрофидаги хонадон соҳиби ҳушсиз ётарди. Фарҳоджон уй эгасини шартта кўтариб олади-да, уни хавфсиз жойга – уй ташқарисига олиб чиқиб кетади.

Шу пайт мазкур уйнинг 5-қаватидан қиз боланинг йиғиси эшитила бошлайди. Хавотир ва қўрқув билан воқеани кузатиб турган қўни-қўшнилари сафига ўша бешинчи қаватда истиқомат қилувчи аёл ҳам келиб қўшилади (у етти ёшли қизини уйда қолдириб, ўзи дорихонага чиққан экан). Қизининг овозидан таниб, унга ёрдам беришларини илтимос қила бошлайди. Ўзи кирай деса, ёнғиннинг зўридан чиққан захарли тутун бутун подъездни тутиб кетган, то ўзи яшайдиган бешинчи қаватга кўтарилиб боргунча нима бўлади, Худо билади. Фарҳоджон ортиқ ўйлаб ўтирмади, бунга вақт ҳам йўқ эди. Аёлдан уйи қалитини олди-да, иккинчи бор олов доми-



га равона бўлди. Бу пайтда олов шиддати қўшни уйлارга ҳам хавф солаётган, ундан ўтиб олиш эса ўта машаққатли эди. Орадан бироз вақт ўтгач, кўрқувдан дағ-дағ титраётган қизчани кўтариб олиб тушди-да, уни онасига топширди.

Сўнгра кутқарув гуруҳига оловни бартараф этишда ёрдам берди. Шу тариқа тилсиз ёв сўндирилиб, қаҳрамонимиз томонидан инсонлар ҳаёти сақлаб қолинди. Кичик сержант Фарҳоджон Набижоновга кўрсатган жасорати учун маҳалла аҳли, қолаверса, кутқарув гуруҳи вакиллари ҳам ўз миннатдорчилигини билдирди.

Кичик сержант Фарҳоджон Набижонов инсонларга ёрдам бериш, ватандошлари ҳаётини сақлаб қолишда ўзининг чинакам ватанпарварлигини намойиш эта олди.

Дарҳақиқат, бугун миллий

армиямиз сафларида хизмат қилаётган Ватан ўғлонлари нафақат ўз касбий маҳорати, балки чин инсоний фазилатлари билан ҳам юртдошларимизга ибрат бўлаётир. Армия инсонларни мана шундай олийжаноб бўлишга, улардаги дахлдорлик ҳиссининг ортиб боришига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Гапимиз сўнгида бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Сўнги йилларда халқимиз бошига тушаётган синовларни енгиб ўтишда миллий армиямиз роли қанчалик муҳим бўлаётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Она Ўзбекистонни кўз қорачиғидек асраб-авайлаётган, унинг сарҳадлари дахлсизлигига жонини тиккан ҳарбийлар ҳар жабҳада фаол. Шунчаки улар жуда камтар, хокисор. Шу боис ҳам улар ўз қаҳрамонликлари, одамлар ҳаётини сақлаб қолишдаги хизматлари ҳақида кўп гапиравермайди. Мана шу жиҳат эса мард ва жасур ҳарбий хизматчининг кўз ўнгимизда гавдаланадиган олийжаноб портретига ёрқин ранг беради.

...Фарҳоджон уйига қайтгач, қизчасини маҳкам қучоқлаганча омон қолган уй эгаси ва кўрқувдан титраётган ўша қизалоқни ҳаёлидан ўтказиб қўйди.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Исмоилжон ҚўЧҚОРОВ



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодини сканер қилинг.

«БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ СОАТИ» УЧУН УСЛУБИЙ ЁРДАМ

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад Форобий (873 – 950 й.)

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган машҳур файласуф, қомусий олим ҳисобланади.



Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукамал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, «Ал-Муаллим ас-соний» – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастузи» деб юритилган.

Қомусий олим туркий қабиладардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида, Сирдарё қирғоғидаги Фороб-Ўтрор деган жойда туғилган. Форобий бошланғич маълумотни она юртида олди. Сўнг Тошкент (Шош), Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга борди.

Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқда яшаган. У 949–950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, ўша ерда вафот этган ва «Боб ас-сағир» қабристонига дафн қилинган.

У ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асарлар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмун билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрга-

нишга бағишланган асарлар;

2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимги юнон мутафаккирлари – Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари («Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва б.)ни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини кўрсатган, айтилишда бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи махсус асарлар яратган. Форобийнинг шарҳ ёзиш фаолияти фақат Шарқнигина эмас, ўрта аср Европасини ҳам юнон илми билан таништиришда катта роль ўйнади. Бу фаолият унинг илмий фаолияти тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич Форобийга ўзига хос мактаб хизматини ўтаган ва янги мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш учун замин ҳозирлаган.

Форобий қуйидаги йўналишларда асарлар ёзган:

1) фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар;

2) инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни билишнинг шакллари, босқичлари, усуллари ҳақидаги асарлар;

3) модданинг миқдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини ўрганишга бағишланган, яъни математика фанлари – арифметика, геометрия, астрономия ва муסיқага оид асарлар;

4) модда хоссалари, ва турларини, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон организмнинг хусусиятларини ўрганувчи, яъни табиий фанлар – физика, кимё, оптика, тиббиёт, биологияга бағишланган асарлар;

5) тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, хаттотликка оид асарлар;

6) ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишланган, яъни ҳуқуқшунослик, этика, педагогикага доир асарлар.

Файласуфнинг илмий мероси, умуман, ўрта аср шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзади. Форобий шунингдек, араб ва форс тилларида фалсафий мазмундаги шеърлар ҳам ёзган.

Унинг асарлари XII–XIII асрлардаёқ лотин, қадимий яҳудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилиниб, дунёга кенг тарқалган.

Форобий «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги» рисоласида жамият («инсон жамоаси»)нинг келиб чиқиши ҳақида бундай ёзади: «Ҳар бир инсон табиятан шундай тузилганки, у



Мутафаккир инсон кадр-қимматини камситувчи жамиятга қарши чиқди. «Давлат арбобининг ҳикматлари» рисоласида эса у доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятни адолатсиз, жоҳил жамият сифатида қоралайди.

Форобий «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола» асарларида ўзининг орзу қилган фозил жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди. «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, – деб ёзади у. – Бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Форобий давлатни етук шахс (монархия), етук ҳислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади.

Олим жамият ўз ривожига етукликка томон интилиши, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади.

Буюк аждодимиз «Муסיқа ҳақида



яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмади, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва Ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнатиладилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди».

катта китоб» деган кўп жилдли асари билан ўрта асрнинг йирик муסיқашуноси сифатида ҳам машҳур бўлди. У муסיқа илмини назарий, амалий тармоқларга, қуйларнинг ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб, таъриф ва илми иқога ажратади.

Абу Наср Форобий Ўйғониш даврининг кўплаб илғор мутафаккирлари дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатган.

**Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси**

«АРМИ – 2020» ОЛДИДАН

Тинчлик даврида дунё мамлакатлари Қуролли Кучлари салоҳиятини белгилаб беришда ҳарбий мусобақаларнинг ўрни беқиёс. Боиси мазкур баҳсларда ҳарбий хизматчилар реал вазиятларда бажарадиган топшириқ ва вазифалар билан синовдан ўтади. Халқаро армия ўйинлари мана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодини сканер қилинг.

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб ўтади.

Мусобақа умумий беш шартдан иборат. Унда иштирокчилар яккалик ва жамоавий баҳсларга киришади. Мусобақада нафақат автомобилни маҳорат билан бошқариш, тўсиқлардан беталафот ўтиш ва маррага биринчи бўлиб етиб келиш, шунингдек, ўқотар қуроллардан нишон-

СОНИЯЛАР ҚАДРИДАН МИЛЛИМЕТРЛАР АҲАМИЯТИГАЧА



Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан ташкил топган Ўзбекистон жамоаси мазкур нуфузли ҳарбий мусобақанинг барча тур ва йўналишларида фаол иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиб келмоқда.

Мудофаа вазирлигининг Ҳарбий автомобиль нazorати инспекцияси ҳарбий хизматчилари ушбу мусобақанинг «Йўл патрули» йўналишида 2017 йилдан буён қатнашиб келади. 2017 ва 2018 йиллари Россия Федерациясининг Москва шаҳридаги Ногинск

шаҳарчасида ўтказилган баҳсларда жамоамиз муносиб иштирок этиб, фахрли 3-ўринни қўлга киритган эди. Эрон пойтахти Техрон шаҳри мезбонлик қилган ўтган йилги мусобақада ҳам вакилларимиз шоҳсупанинг 3-поғонасидан жой олди.

Халқаро армия ўйинларининг «Йўл патрули» мусобақасига бу йили мамлакатимиз мезбонлик қилиши режалаштирилган. Мусобақа жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида жойлашган

ларни йўқ қилиш, жароҳат олганларга биринчи тез tibбий ёрдам кўрсатиш, ёнғин чиққан ҳудудга белгиланган вақт оралиғида етиб бориш ҳамда уни бартараф этиш каби бир-биридан мураккаб шартларни ўз ичига олган.

Техника билан тиллашган маҳоратли ҳарбий хизматчилардан иборат жамоамиз йил бошидан бери мусобақага жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Қуйида сиз кўриб турган суратлар тайёргарлик жараёнининг 10 июлга қадар бўлиб ўтган мавсумидан олинган (хабарингиз бор, мамлакатимизда кучайтирилган карантин чекловлари боис барча оммавий йиғин ва тадбирлар вақтинча бекор қилинган). Лекин шунга қарамай маҳорат ва тажриба барибир ўз сўзини айтишига ишонасан, киши.

Баҳсларни жонли қузатсангиз, бу шунчаки автомобиль шайдолиги эмаслигини англайсиз. Чунки гўё рақсга тушаётгандек кўринган техникалар маълум шарт ва топшириқларни бажараётган бўлади. Бунда вақт нуқтаи назаридан сониялар ҳам инобатга олинса, ўлчов жиҳатидан миллиметрлар аҳамияти кишини хушёрликка чорлаб туради.

Сиз ҳам қизиқдингизми? Келинг, унда яхши ният қилайлик: мусобақа ўтказилиши режалаштирилган кунларгача пандемия чекинсин, уни жонли томоша қилиб, юртдошларимизни бирга қўллаб-қувватлайлик.

И. НОРМАМАНОВ



МАРДИ МАЙДОНЛАР

Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг «Нукус» полигоида жорий йил муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларга ўқотар қуроллар ва жанговар техникалар билан кўргазмалар ўқув-жанговар машғулоти намойиш этилди. Бу дамларни кўпдан бери орзу қилган аскарлар ўша кун илк амалий машғулоти завқини туйди.

Карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда ўтказилган машғулоти Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов ҳам бевосита кузатди.

Ҳар бир қурол ва ҳарбий



ЎҚОТЛАР ИЛК ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДА



техниканинг қўлланилиши, тактик-техник тавсифлари ҳамда бошқа хусусиятлари, улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ҳақида ишти-

рокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланти-



ракета ва снарядлар ёшларнинг олқишига сазовор бўлди.

Кўргазмалар машғулотида ҳарбий хизматчилар биринчи марта автоматдан амалий машқ бажарди. 100 ва 200 метр ўзқликдаги иккита нишонни яқсон этиш аскарларнинг амалий машғулотида мерганлик маҳорати ва кў-



ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, миллий армиямизни замонавий техника ва қурол-аслаҳалар билан таъминлашга бўлган эътибор кучайтирилмоқда. Шу билан бирга, малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими ҳам қайта кўриб чиқилгани замонавий армиямизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Қуролли Кучларимиз фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирларнинг ташкил этилаётгани эса ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик, юртга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки ўқув нуктасида мотоўқчи бўлинмалари учун мўлжалланган ўқотар қуроллардан нишонларга қарата ўқ узилди. Иккинчи ўқув нуктасида артиллерия, зенит-ракета қурилмалари, жанговар машина, зирҳли транспортёр ва танклардан нишонларни аниқ мўлжалга олиб отилган

никмаларини мустаҳкамлади. Қуролни ўқ отишга ҳозирлаш, уни нотўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, ўқ-дориларни ўқдонга жойлаштириш бўйича ўқув нукталарида ёшлар билимга чанқоқ, ҳарбий кўникмаларни эгаллашга қизиқиши баланд эканини намойиш этди.

– Жанговар техника ва қурол-аслаҳаларни пухта ўрганишимиз йигитлик бурчимизни тўлақонли ва садоқат билан бажаришда қўл келади, – дейди марғилонлик оддий аскар Жавоҳир Акбархонов. – Ҳарбий техника ва қуролларга қизиқшим баланд бўлгани учун бугунги кўргазмалар ўқ отиш машқларини завқ билан томоша қилдим. Мана, армияга келганимизга ҳам бир ойдан ошди. Ўтган вақт мобайнида офицер ва сержантлардан кўп нарсани ўргандим.



Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Vatanparvar»

ЎЗБЕК ЙИГИТИ – МУСТАҚИЛЛИК ПОСБОНИ

ҚАЛБЛАРНИ ТИТРАТДИ АҚДУ ВАФОСИ

“ Неча минг йилларки фақат ўзини ўзи қутқариш билан овора бўлиб қолмаган инсонларгина улғу ишларга қўл урган. Жаҳонни қамраган пандемия шароитида ҳар кимнинг дарди, ташвиши ўзига яраша. Ватан ҳимоячилари эса буюк мақсадлари йўлида мардонавор одимлайди. Юртимизнинг барча ҳудудларида муддатли ҳарбий хизмат ўташни бошлаган аскарлар билан карантин қоидалари асосида Ватанга қасамёд тантаналари ўтказилди.

«Чирчиқ» дала-ўқув майдонида олий ҳарбий таълим муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлонларнинг Ватанга қасамёд тантаналари бўлиб ўтди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Сафларда мағрур турган аскарлардан бири Берган Қодиоров Ўзбекистон давлат жисмо-

ний тарбия ва спорт университетини битирган бўлиб, келгуси ҳаётини ҳарбий хизмат билан боғлаш ниятида экан. Шоҳрух Юсупов эса спортчи, 2018 йили қишки Осиё ўйинларида 60–65 кг вазнда 3-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида биринчилиқни қўлга киритган. Самарқандлик Наврўз Асроров болалигидан техникага қизиқишини, ҳарбий техникалар билан танишишни интиқ кутаётганини яширмади. Хуллас, муддатли

ҳарбий хизматчилар бир олам орзулар билан Ватанга қасамёд қабул қилдилар.

Кўзларидан ўт чақнаб, ҳар қандай шароитда она юрт тақдирига ўзларини масъул билган ўғлонларга мудофаа вазирининг табригини унинг ўринбосари полковник Хамдам Каршиев ўқиб эшиттирди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Содиқжон Турдиев таъкидлаганидек, нурунийлардан дуо олиб, хизматни бош-

лаган аскарларга Президент совғаси сифатида «Ўзбекистон тарихи», «Темур тузуклари» каби китоблар жамланмаси топширилди.

Тантанали тадбир сўнггида аскарлар Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари билан биргаликда Мудофаа вазирлиги мадҳиясини ижро этдилар.

Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

Жорий йил муддатли ҳарбий хизматни Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинларида ўташ учун келган ёшлар мана шундай синовли дамларда юртимизни кўз қорачиғидек асраш, уни ҳимоя қилиш учун Ватанга қасамёд қабул қилишди.

ЙИГИТЛИК ОНТИНИ ИЧДИЛАР МАРДЛАР!



Тантанали тадбирда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими вакиллари иштирок этди.

Янги чақирилган муддатли ҳарбий хизматчилар карантин қоидалари ва ижтимоий масофаланиш тартибларига риоя этган ҳолда Президентимиз ташаббуси билан яратилган янги «Ватанга қасамёд» матни бўйича биринчилар қаторида содиқликка онт ичишди.

САДОҚАТ МЕХРОБИ, ЖАСОРАТ БОНГИ



Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда ҳам муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг Ватанга қасамёд тантаналари юқори савияда ташкил этилди.

Аскар ҳаётида қайта такрорланмайдиган ушбу тадбир карантин талаблари ва қоидалари асосида ўтказилди.

Президентимиз совғаси сифатида аскарларга «Ўзбекистон тарихи» ва «Темур тузуклари» китоблари тақдим қилинди.



Муаллиф суратга олган

“ Тошкент ҳарбий округида муддатли ҳарбий хизматни ўташни бошлаган йигитлар ҳам Ватанга қасамёд қилишди.

ВАТАН ПОЙИДА ТИЗ ЧЎККАН ЎҒЛОНЛАР

Тантанали маросим бошланар экан, саф майдонини юракни ҳаприктирадиган жарангдор сўзлар тутиб кетди:

«...Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари сафига кира эканман, давлатим тимсоли бўлмиш муқаддас байроқни ўпиб...»

«Ўзбекистон Республикасига, халқимга ва Президентимга бир умр содиқ бўлишга...»

«...Қуруқликда, сувда, ҳавода – ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчимни виждонан бажаришга, ҳар қандай машаққатли синов ва қийинчиликларда ҳам эл-юртимнинг юсак ишончини оқлашга тантанали равишда қасамёд қиламан!»

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Жуманазар Қўлтўраев зиёли оила фарзанди. У она Ватанга хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Жуманазар ҳам сафдошлари сингари ҳозир бутун умр эсдан чиқариб бўлмайдиган ҳаяжонни юрагидан ўтказиб турибди.

– Азиз ота-онам, акаларим, жонажон сингилларимнинг ҳаловати учун ҳарбий хизматда ўтказган ҳар бир лаҳзам мен учун ғурур бағишлайди, – дейди у. – Чунки мен ҳам она Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячисига айландим.

Ватанга қасамёд қилиб, юртнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлган кўкси қалқон ўғлонларга шундан сўнг мудофаа вазирининг табриги ўқиб эшиттирилди. Тантанали маросимда сўзга чиққан Қурулли Кучлар фахрийлари ҳам ёш Ватан посбонларига улкан муваффақият ва зафарлар тилади.

Якунда ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлари, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида жаранг сочган куй ва қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди.

И. НУРАЛИЕВ



ЎҒЛИНГИЗ БУРЧИГА СОДИҚДИР, ОНА!

Ҳарбийдир – кўксиди ори бор, она,
Кўкларда байроғи, нори бор, она,
Ҳар он дуо қилинг, дуо қўллағай,
Ўғлингиз бурчига содиқдир, она!

Қаранг, сафда мағрур бардам турибди,
Ҳарбий синовларда олга юрибди,
Йигитлик бурчини дилга туғибди,
Ўғлингиз бурчига содиқдир, она!

Тинч ухланг, тунлари сергак ўғлингиз,
У асло енгилмас, тўлсин кўнглингиз,
Дунёга таралсин шодон қўнглингиз,
Ўғлингиз бурчига содиқдир, она!

Бир ният кўксига қадалган ўқдек,
Ватанни асрайди оловли чўғдек,
Ватансиз унга ҳам бу ҳаёт йўқдек,
Ўғлингиз бурчига содиқдир, она!
Ўғлингиз онтига содиқдир, она!

Капитан Зухриддин АЛИЖОНОВ

Ватанга қасамёд замирида она юртни улуғлаш, унинг ҳар бир қарич ерини мустаҳкам ҳимоя қилишга шай турган ўғлонларнинг мардонавор онти, йигитлик бурчини ҳалол бажаришга бел боғлаб, виждони, ор-номус ва шаънини ўртага қўйиб ичган қасами ётади.

Ватанга қасамёд тантаналари, шунингдек, Шарқий ҳарбий округ, Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ, Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий

ОР-НОМУС ЎРТАГА ТИКИЛГАН ҚАСАМ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектлари қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги тасарруфидаги Тошкент, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон



Республикасида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилишга киришаётган муддатли ҳарбий хизматчилар учун ҳам қасамёд тадбирлари чексиз ҳаяжон ва қувончга бўй бўлди.

Эр йигит ҳамиша онтига вафоли бўлади. Бу ўғлонлар ҳам зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда, билдирилган ишончни оқлашади. Уларнинг чақнаб турган кўзлари буни айтиб турибди.



қисмларда ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юрт эртасини ўйлаган, она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга аҳд қилган бу йигитларнинг аксарияти то ҳарбий хизматга келгунга қадар ҳудудларда ташкиллаштирилган дезинфекция ишларида ҳам кўнгилли сифатида иштирок этиб, ўзларининг чин инсоний фазилатлари ва аскарий биродарликларини кўрсатган эди.

■ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



НАЖМИДДИН КУБРО

Нажмиддин Кубро нафақат шоир, файласуф олим ва тарикат пешвоси, балки мўғул босқинчиларига қарши кураш олиб борган, ўзининг афсонавий жасорати билан юртимиз тарихида, халқимиз қалбида ўчмас из қолдирган ватанпарвар буюк инсонлардан бири эди. Улуғ шайхлар қаторида бўлган бобокалонимизнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар Абдулжа-ноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хевақий ал-Хоразмий бўлиб, у 1145 йилда Хива шаҳрида туғилган.

Нажмиддин Кубро дастлаб Хоразмда таҳсил олади. Кейин Миср, Табриз, Эрон, Бағдод, Нишопур, Тус, Шому Ироқ шаҳарларидаги атоқли олимлардан илм ўрганади. Алишер Навоий ҳам «Насойим ул-мұҳаббат» асарида Нажмиддин Кубро ҳақида «...уларни Шайх Валитарош дебтурлар. Анинг учунки, муборак назарлари ҳар кимга тушса, вилоят мартабасига етар эмиш», дея алоҳида тўхталиб ўтади.

Нажмиддин Кубро тарихда буюк алломагина эмас, балки ўз Ватани озодлиги йўлида мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий

қаҳрамон сифатида ҳам мангу қолди.

Бу ҳақда тарихчи Абдулғозий Баҳодирхон «Шажараи турк» номи тарихий асарида шундай ёзади: «Урганччи олиб, маҳалла-маҳалла ўт қўюб, тамоҳ халқни саҳрога чиқардилар. Токи юз минг кишини аҳли ҳунар турур деб олдилар. Жувон хотун ва ёш ўғлонларни тағи банди қилмоқ учун олдилар. Андин ўзга халқни лашкарига қисмат қилдилар. Ҳар бир кишига йигирма тўрт киши теғди ва ҳукм қилдиларким, ўлтурунглр. Мўғуллар ўлтурдилар. Ҳазрати На-



жмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳур бўлуб эрди. Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушқоқлари ила қалъадан чиқиб кетсунлар деган тақлиф бўлди.

Ҳазрати шайх айтиб юбордиларким, яхшиликда мен бу қалъанинг тамоми бирлан ошно ва дўст-ёр эрдим. Эмди ёмон кунда нечук буларни ташлаб бораёйин, мен бора билмасмен, деди. Ул маҳалда мўғуллар Ҳазрати шайхнинг маҳалласига қуюлиб келдилар. Ҳазрати шайх бир неча мўғулларни ўз қўллари билан жаҳаннамга юбордилар». У

шундай жангга шайланган эдики, хирқасининг устидан белбоғ боғлаб, қўйинларини тош билан тўлдириб, қўлига найза олиб, душман қарши-сига чиқади. Ҳанимларга тош ота бошлайди, бир нечасини найза билан уриб йиқитади.

Аммо унинг устига камон ўқи ёғдирадидилар. Бир ўқ келиб кўкрагига тегади. Етмиш беш ёшли мўйсифид илоҳий илҳомдан маърифат топиб, кучдан кетаётганини сезса ҳам жанг-ни тўхтатмай, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дедиларки, унинг қўлидан байроқни ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дедиларки, унинг қўлидан байроқни ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дедиларки, унинг қўлидан байроқни ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради.

Нажмиддин Кубродан кўплаб қароматлар зоҳир бўлган. Жумладан, мўғул лашкари Хулағу сардорлигида Хоразм устига етиб келганда кеч кириб қолади. Хулағу лашкарига дам бериб, «шаҳарни эртага оламиз», дейди. Лекин мўғуллар уйқудан уйғонганда Урганч йўқ эди, ҳайвон ва қушларнинг овози эшитиларди-ю, бироқ одамлар кўринмасди. Босқинчилар ҳайрон бўлиб турганда, уларнинг диний раҳнамоси Туслик аллома «Хоразмни фақат хоразмлик кўра олади, шунинг учун қаердан бўлса ҳам бир хоразмликни топиб келинглр», дейди. Бир балиқчини дарё кирғоғидан тўтиб келтирадидилар. У айтади: «Хоразмни шайх Нажмиддин яширган». Хулағу балиқчини



шайх олдига юбориб, унга Хоразмдан чиқиб кетишни маслаҳат беради. Аммо шайх рози бўлмади.

Хоразмликлар кучлар нисбатан тенг эмаслигига қарамай, Нажмиддин Кубронинг жасорати, матонати сабаб, қатъият билан мардона жанг қиладилар. Мўғуллар Урганччи эгаллаш учун бўлган жангларда тенгсиз талафот кўради. Шаҳарни қўлга олганидан сўнг ҳунармандларни танлаб олиб, Мўғулистонга жўнатади. Қолган барчани, ҳатто болаларни қиличдан ўтказди. Босқинчилар бу билан қаноатланиб қолмай, Амударёдаги тўғонни бузиб, шаҳарни сувга бостиради. Гўзалликда тенги йўқ шаҳар, қадим маданиятимизнинг энг ноёб ёдгорликлари, ўша давр фанининг барча соҳаларга оид кўп минг сонли китоблар сақланаётган кутубхоналар сув остида қолади.



Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»

МАЪРИФАТПАРВАР ҚОЗИ

1843 йили Чимкент шаҳрида туғилган Сатторхон Абдулғафоров илмий асарларда Фурқат, Муқимий, Ҳамза, Аҳмад Дониш, Бердақ каби ўн тўққизинчи аср маърифатпарварлари қаторида тилга олинади. Ҳўш у ким бўлган? Нима ишлар қилганки, унинг номи ўша давр билан шуғулланган олимлар асарларида учрайди?

1890 йилда «Туркестанской туземной газете» нашрида эълон қилинган хотираларида Сатторхон Абдулғафоров ўзи, оиласи, жамият ҳақида шундай маълумотлар беради: «Бобом Мўминхўжа эшонни Чимкент шаҳрида ҳурмат билан ёдга олишди. У 83 йил яшаб, Чимкент ишғол қилинишидан олдин вафот этган. Ўша даврда Чимкент, Қўқон ва Тошкент алоҳида мулклар бўлиб, ўзаро уруш ва тўқнашувлар тез-тез содир бўлиб турарди.

Шунга қарамай, бобом Бухоро мадрасаларидан бирига ўқишга киради. Мукаммал таҳсилдан сўнг бобом Чимкентга қайтиб, аҳолининг оғирини енгил қилишга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга киришади ва қисқа вақтда одамлар ўртасида обрў-эътибор қозонади. Кейинчалик Чимкент қозиси лавозимига тайинланади.»

Сатторхон бобосининг изидан бориб, Тош-

кентдаги «Шукрхон» мадрасасида ўқиб, диний билимларни чуқур ўрганди. 1873 йил Чимкентда очилган биринчи рус-тузем мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. Мана шу вақтдан то умрининг охиригача Сатторхон илм-фан ва дунёвий билимнинг тарғиботчиси бўлиб қолди. У ҳаёти давомида мусулмон ахлоқи-одоби қоидаларини тарғиб қилиш билан бирга одамларни билим олишга чақирди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузум қоқоқлигини, кишилар маданий-маънавий савияси пастлигини танқид қилди ва бундан чиқиб йўлларини излади.

«Шаҳарлар аҳолисининг бир-бири билан муносабатлари, уларнинг ўзаро душманлиги ва тартибга солинмаган йўллар туфайли Чимкентдан Тошкентгача йўловчиларни ташиш жиддий муаммоларни туғдирарди. Бундан ташқари, бир шаҳардан бошқасига кўчиб ўтаётганда, йўловчилар йўл-тўсарларнинг қуролли ҳужумларга йўлиқардилар, дейди Сатторхон Абдулғафоров хотираларида.

У 1876 йилнинг баҳорида Қўқон қозиси лавозимига тайинланади. Шу йил июль ойида Сатторхон Жўрабек, Шермухаммад ва Абдулла Ниёзов билан бирга Санкт-Петербургда Шарқшуносларнинг халқаро съезида иштирок этиб, олимлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида нутқ сўзлайди.

Санкт-Петербургда кайтгач, Сатторхон қозилик вазифасини давом эттирди ва ўз лавозимидан маърифатпарварлик ғояларини рўёбга чиқариш йўлида фойдаланди, дунёвий билимларни тарғиб қилди. У 1879 йилда Қўқон шаҳар билим юртининг фахрий назоратчиси қилиб тасдиқланди.

Сатторхон 1881 йилда Тошкентга қайтиб келди. 1883 йилда «Туркистон вилоятининг газети»га таржимон бўлиб ишга кирди ва шу даврда Оврўпо маданияти ва дунёвий билимларини тарғибот қилувчи бир қанча мақолалар ёзди. Сатторхон 1884 йилдан 1889 йилгача Тошкент ўқитувчилар семинариясида ўзбек ва форс тилларидан дарс берди ва ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини давом этдирди. 1889 йил декабр ойида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси шаҳарларининг ўқитувчилари съезида ишида фаол иштирок этиб, маҳаллий ешларни янги мактабларга жалб қилиш, бу йўлдаги барча тўсиқларни тугатиш чоралари ҳақида гапирди. У чоризм маъмурларининг айрим тадбирларини хато деб билиб, уларни танқид қилди.

Сатторхон маҳаллий болаларни мусулмон мактаблари билан бир қаторда рус-тузем мактабларига жалб қилиш зарурлиги ва бу йўлда амалий чоралар қўриш кераклигини уқтиради.

Унинг ҳаёт йўли мураккаб йўл эди. Бу йўлда айрим масалаларда иккиланди, лекин илм-фани, шарқ маданияти ютуқларини, Оврўпо маданиятини тарғиб қилишда, мамлакатни қоқоқликдан чиқариш зарурлигини уқтиришда ҳеч вақт иккиланмади ва умрининг охиригача бу фикрга содиқ бўлиб қолди. Сатторхон ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини ҳамфикр дўстлари Фурқат, Муқимий, Завқийлар билан ҳамкорликда олиб борди. Бу унинг «Мусулмон эшонлар», «Россия истисолсига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳоли ҳақида қисқача очерк» номи рисолаларида ва кўпгина мақола ва нутқларида ўз аксини топган.

Сатторхон 1893 йилда Чимкентга қайтиб, у ерда 1899 йилгача қозилик лавозимида ишлади. 1899 йилдан 1901 йил вафотига қадар Тошкентда яшади.

Эркин ОТАМУРДОВ

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«ДАРАХТ
ҚЎЛИНГИЗДА
ТУРИБДИ...»

«Шумхабар келтирган мана шу лаънати қоғоз бизнинг йигирма бир йиллик умидимизни чилпарчин қилган эди. Бирпасда ҳаммаси абас бўлди. Онам икковимиз худди қирғоққа итқитиб ташланган балиқ каби ҳансираб-ҳансираб зўрга нафас олардик; бир-биримизга суянганимизча кўча бўйлаб кетиб борардик. Дунё хувиллаб қолди, барча орзу-умидларимиз ҳавога учиб кетди. Онам бечора бирдан ўзгарди; ўзини олдириб, рангпар бўлиб қолди, елкалари букчайди. Вой худойим-эй! Узоқ йиллар мобайнида у битта илинж билан яшади: бугун бўлмаса, эртага Тўракул албатта, қайтиб келади. Бу илинж унга куч-қувват бағишларди, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берарди. Бечора онагинам...»

Бу қайғули хотирани улуг адиб Чингиз Айтматовнинг синглиси Роза хоним ҳикоя қилган. Сиз адиб асарларини ўқигансиз, албатта. Уларда аёллар қиёфаси маҳорат билан чизилган, аёллар қалби очиб берилган. Адиб бу муваффақиятга қандай эришган? Унинг хотиралари, суҳбатлари бу саволга жавоб бера олади. Адиб онасининг чўнг қайғуларини қалбидан китобларга кўчирган, фронт орти машаққатларини ўз бошидан кечирган, ягона сигир ҳам жўжабирдай жон бўлган оилани муқаррар очлик балосидан қутқаришини ўз ҳаёти мисолида кўрган.

Мен бир ўқувчи сифатида Чингиз Айтматов асарларини жуда севиб ўқийман. Унинг китобларидан ёшлигимнинг бўйлари келади. «Оқ кема», «Сомон йўли», «Асрни қаритган кун», «Сарвқомат дилбарим», «Жаммила», «Кассандра тамғаси»... Бари қадрли, кўнгилга яқин.

Бу ерда адиб асарлари ҳақида сўз айтиш фикридан йироқман. Менга йўл бўлсин, улуглар ҳақида улуглар сўз айтиди. Шунчаки муҳаббатимни билдиргим келди. Бугун сизларга Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновнинг самийи суҳбатлари маҳсули бўлган «Чўққида қолган овчининг охи-зори» (Аср адоғида айтилган истиффор) китобини тавсия қилмоқчиман.

Таниқли қозоқ шоири Мухтор Шохонов ҳақида китоб муқаддимасида Чингиз Айтматов шундай ёзган эди: «Мухтор Шохонов Қозоғистонда миллий қаҳрамон даражасида машхур. Шоир халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган нотик сифатида минбарга чиққач, шон-шухратга борибди. 1986 йилнинг декабрь ойида қозоқ ёшлари мустабид тузум салтанатига қарши оммавий равишда бош кўтардилар. Худди ўша пайтлари рўй берган ҳодиса тўғрисидаги ҳар қандай ҳаққоний ахборот пинҳоний таъкибга учради. Шахсий ҳаёти хавф остида қолишини билиб турган Шохонов эса шоир ва миллий озодлик ҳаракатининг жангчиси сифатида бор овоз билан ноҳақ қувғинга учраган ёшларни ҳимоя қилиб чиқди, уларга озодлик берилишини талаб этди».

Икки улуг инсоннинг суҳбати... «Ҳаётимиз сўқмоқларида дуч келганимиз қувонч ва мусибатларни яшириб ўтирмадик. Булар тўғрисида фақатгина энг яқин кишиларимиз биларди, холос». Шу икковининг ўзбек китобга қизиқишини оширади.

Улугларнинг суҳбати ҳам улугвор-да. Қирғиз, қозоқ оқинлари, «Манас», қаҳрамонлар, подшоҳлар, хонлар, қироллар, президентлар, Аёллар ҳақида суҳбатлашганлар. Ватанинг англаш, тушунишдан бошланган суҳбат муҳаббат мавзуси билан якунига етган.

Ота юрт – киндик қон тўқилган замин,



Она тил – яратгандан мерос бир ёрлик,
Ҳатто бир туп ёвшанда туясан таъмин

Миллий одатинг, бунча чиройлик.
Ҳасратли замонлар тилса-да бағринг,
Ўзгармасдир сенинг асил таринг.

Суҳбат Мухтор Шохоновнинг ана шу шеъри билан бошланади. Қирғиз ва қозоқ миллиятининг икки улуги... Суҳбат икки миллатгагина тегишли эмас. Биз сув ичган дарёлар бир, илдизларимиз бир. Келинчакларнинг куёвнинг қариндош-уруғлари исмини айтиб қақирмаслик одати ҳали бутунлай йўқолиб кетмади. Буни ички маданият ва назокат, дея эътироф этган қозоқ шоири шундай ривоятни келтириб ўтади: «Дарёнинг нариги қирғида, қамишзорда битта бўри қўзичоққа ташланиб қолади. Шу пайт келинчак кўза кўтариб сув олгани келиб, бўрини ҳурқитиб юборади. Чалажон ҳолатда типирчилаб ётган қўзичоққа кўзи тушган келинчак ёнидан пичоқ чиқариб, уни қайроқтошда қайраб, қўзичоқнинг кекирдагини узиб ташлайди ва жон талвасасидан қутқаради. Уйга қайтган келинчак дарё ёқасида рўй берган воқеани гапириб бермоқчи бўлади-ю, бирдан қайноғаларининг номлари эсига тушиб қолади: Ўзанбой, Қамишбой, Қўйчибой, Қашқирбой, Кездикбой (кездик – пичоқ), Қайроқбой. Уларнинг номини тилга олса, одобсизлик қилган бўлади. Нима қилмоқ керак? Келинчак ўйлаб-ўйлаб, шундай дейди: «Жилди-роқнинг ёқасида, шовуллоқнинг орасида увловуқ баъровуққа ташланиб қолди. Мен ёнимдан кесадиганимни чиқариб, уни ўтқирлагичга ишқалаб, сўнг кекирдагини узиб ташладим».

Бу бизнинг ҳам маданиятимиз, шундай эмасми? Бир-икки йилча аввал «дом»нинг ҳовлисида шўх қизалоқни тинчлантира олмаётган ёш онадан қизиқиб қизчанинг исмини сўрадим. Менимча Хоразм ё Қорақалпоғистондан келган бўлсалар керак.

Жувон қисиниб-қимтиниб, паст овозда «Энамадли» деди. Ноқулай бўлса-да, уч-тўрт қайта сўрадим, англаш қийин бўлди-да. Ҳеч эшитмаган эканман бунақа исми. Ҳайрон қолдим: «Шунақа ҳам исм бўладими? Ўзбекча гўзал исмлар ҳам кўп-кў». Сал нарироқда бизни кузатиб турган ўрта ёшлардаги аёл секин келиб, хиёл кулимсираб, шундай деди: «Бу исм эмас, катталар синглимнинг қизига авлоднинг улуги исмини қўйганлар, яъни катта энасининг исмини. Замира демасдан «Энамадли» дейди. Исмини айтиб қақирса, адабсизлик бўлади...» Ҳурматни қаранг-а, ўша лаҳза «донолигимдан» бирам хижолат бўлдимки, асти қўяверасиз.

Яна китобга қайтаимиз. Полвонларнинг олижаноблиги, мардлиги ҳақида ҳар бир элда қизиқарли ҳикоялар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохонов суҳбатларида ҳам уларни кўриш мумкин. Бу икки қардош халқ орасидаги яқинлиқни янада ёрқинроқ кўрсатадиган ибратли воқеалардан биридир. Қозоқ ва қирғизнинг елкаси ер исмамаган икки полвони – Ҳожимўқон ва Хўжамқулнинг олишув кутилмаганда шундай яқун топади: Хўжамқул ёши улуг бўлгани учун Ҳожимўқон қошига бориб, таъзим бажо келтиради.

Ўқиймиз: «Ҳожи ака, биз икки қардош халқнинг фарзандимиз. Бир юздаги икки кўз каби яқинимиз, бизни бир-биримиздан ажратиб бўлмайди. Сиз менинг оғамсиз, мен сизга ини бўламан. Биримиз голиб келиб мақтиниб юрсак, бошқамиз мағлуб бўлиб тўпроққа беланиб ётсак, ярашмайди. Боз устига, сиз бизнинг азиз меҳмонимиз бўласиз. Агар мен сиз билан беллашадиган бўлсам, ота-боболаримизнинг руҳи ҳеч қачон кечирмайди. Яхши-си, соврин сизга бўлсин! – деб Хўжамқул олишмасдан совринни инъом этиб юборади.

– Ўзим ҳам сени нима қилишингни қутиб тургандим... Қирғиз халқи сендай фарзанди борлиги билан ҳар қанча фахрланса, арзийди. Илойим, бахтингни толгин! – Ҳожимўқон қирғиз инисини бағрига босиб, пешонасидан ўлади.

Сўнг Ҳожимўқон ўзининг совринини шу ердаёқ камбағалларга, ғарибларга, етим-есирларга тақсимлаб беради.

Икки улугнинг суҳбатида яна бир улуг инсон, Олой маликаси Қурбонжон додхон ҳақида ҳам сўз бор.

«Оқ подшонинг босқинчилик



Мақоланинг аудио
шаклини тинглаш
учун QR-коднинг
сканер қилинг.

сиёсатига қарши бош кўтарган Қурбонжон додхонни рус армиясининг генерали Скобелев асир олади.

– Болаларинг қаерда? – деб сўрайди генерал.

– Дарахт қўлингизда турибди, унинг шох-шаббалари қаёққа ҳам кетарди? – деб жавоб қайтаради матонатли аёл.

Икки донишманд ижодкорнинг суҳбатида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исом Каримов ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдирилган.

Азиз ўқувчи, дунёнинг бугунги қиёфаси, эртаси ҳақида борган кенг қамровли суҳбат ҳақида батафсил тўхталиш имкони йўқ. Китобни ўқиш керак. Икки улуг инсон муҳаббат ҳақида ҳам гўзал суҳбат қилган. Асли муҳаббат мавзусининг ўзи гўзал. Улугларнинг муҳаббати ҳам улугвор-да.

Ўқиймиз: «Атрофдаги одамлар, қушларнинг чуғурлаши, япроқларнинг шитирлаши, денгиз тўлқинларининг шовуллаши – ҳамма-ҳаммаси мутлақо бошқача тусга кириб қолди. Менинг атрофимдаги дунё таниб бўлмас даражада ёрқинлашиб, гўзаллашиб кетди».

Бу Чингиз Айтматовнинг севги қисаси. «Ўша тасодифий учрашув тақдирнинг бебаҳо инояти бўлди. Менинг ҳаётимни нур бўлиб ёритган Аёл...»

Бу аёлнинг кимлигини билишни истайсизми? Унда китобни ўқинг. Ҳар икки донишманднинг севги қиссалари ҳақида айтгим келяпти. Аммо мутлақ завқига путур етказишдан қўрқаман.

Азиз ўқувчи, «Чўққида қолган овчининг охи-зори»га тўхталмадим. Овчининг ҳолини мутлақада билиб оласиз. Чингиз Айтматов асарларига қайта мурожаат қиласиз, уларни чуқурроқ англайсиз.

Жавонингиздан жой олган бу жавахир қалбингизни ҳам нурга тўлдиради.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

Наманган вилоятининг Тўда қишлоғида туғилган Соли Адашев 1942 йилда ҳарбий хизматга қақрилади. Ҳамма қатори бир неча ойлик бошланғич машғулотларни ўтагандан сўнг фронтга йўл олади. Солижон жуда тиришқок, уйдабурон ва жасур йигит эди. У ўзидаги бу сифатларни хизматнинг илк ойларидаёқ намоёиш қила олди. Натижада қўмондонлик уни разведка командири қилиб тайинлади.

Ҳа, разведка осон иш эмас. Душманга сездирмасдан улар томонга ўтиб, кучлари, ўт очиб нуқталарини, қурол-аслаҳалари ва аскарлар жойлашган ҳудудни ўрганиш, ўрганганларини эса моҳирлик билан картада тасвирлай олиш анча оғирлиги билан бирга хавфли ҳам эди. Шунинг учун ҳам разведкачи ғалабанинг калити эканлигини яхши тушунган Адашев қўмондонлик томонидан берилган топшириқларни астойдил бажаришга интиларди.

ДУШМАН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

...Фронтда аёвсиз жанг кетар, йўқотишлар, ўлимлар сони ортиб борарди. Ана шундай кунларнинг бирида катта сержант Соли Адашевнинг гуруҳига душман жойлашган позиция ҳақида аниқ маълумот бера оладиган «тил»ни қўлга тушириб келишдек ўта муҳим жанговар топшириқ берилди. Кеч тушиши билан жасур разведкачи топшириқни бажаришга киришди. Улар зимистон кечада эмаклар, не-не машаққат билан ўрмон чеккасига чиқиб олишди. Шу пайт уларга яқин жойда – душман позициясидан отилган ракетаalar Витебск дарёсини ёритиб юборди. Бу вақтда разведкачилар қалин буталар орасига яширинишга улгурган эди. Орадан икки соат ўтгандан сўнг атроф жим-жит бўлиб қолди. Разведка командири Адашев соатига қаради.

– Вақт бўлди. Ҳаракатланамиз! – деди у йигитларга қараб. – Мен Павлов билан кетаман. Сизлар эса бизни шу ерда кутинг. Агар душман бизнинг траншеяга бораётганимизни сезиб қолса, автоматлардан ёппасига ўт очинг. Шу билан душманни чалғитасиз, биз эса пайтдан фойдаланиб, ортга қайтаемиз.

Шундай қилиб, икки разведкачи траншеяга қараб эмаклар кетди. Катта сержант Адашев тузган режа ҳар доимгидек пухта бўлиб чиқди. Режага мувофиқ, йигитлар аста-секин эмаклар, фашист блиндажига яқинлашди. Блиндажни қўриқлаб

ҚАҲРАМОНЛАР
ЎЛМАЙДИ

турган навбатчи аскар шериги келавермагандан зерикиб тоқатсизланар, совуқ жон-жонидан ўтиб кетганидан қўлларини бир-бирига ишқалаб, у ёқдан бу ёққа тинимсиз бориб келарди. Адашев билан Павлов аскардан кўз узмай пайт пойлаб туравердилар. Ниҳоят, навбатчи милтигини ерга қўйиб, қоғозга тамаки ўрай бошлади. Пайтдан фойдаланган катта сержант Адашев душман устига йўлбарсдай сакраб, уни босиб олди. Бақирмоқчи бўлган эди, оғзига латта тикиб қўйди. Кейин икковининг оёқ-қўлини боғлаб кўтарди-да, шерикларининг ёнига келишди...

Сўроқ пайтида улар келтирган «тил» душман ҳақида жуда кўп маълумот берди...

АДАШЕВ – МОҲИР
РАЗВЕДКАЧИ

1944 йилнинг март ойи. Қиш қаҳратони кетган бўлсаям, этни жунжиктирадиган совуқ эди. Совет армияси қўшинлари бир неча юз километр йўл босиб, Могилёв шаҳри бўсағасига етиб борди ва ўша ерда мудофаага ўтди. Шу жойда қўмондонлик катта сержант Соли Адашеви полк разведкачилари бўлинмасига командир қилиб тайинлади.

Фашистлар гарчи шаҳар яқинидаги Проня дарёсининг нариги томонида бўлса ҳам ўз мудо-

фаасини дарё соҳилидан тахминан 200 – 300 метр нарига қурган, бўш майдонга эса ҳар қадамга биттадан мина қўмиб ташлаган эди. Бу эса ҳужумга халақит берарди. Натижада қўмондонлик катта сержант Соли Адашевга уч-тўрт нафар сапёр билан бирга дарёдан ўтиб, мина қўмилган жойларни зарарсизлантиришни, пиёда аскарларнинг ўтиши учун йўл очиб топширигини беради. Адашев бошлиқ тўрт разведкачи ва икки сапёр ярим кечада дарёда оқимга қараб сувга тушадилар. Улар гоҳ сувга шўнғиб, гоҳ бошларини кўтариб сузиб борардилар. Афсуски, қирғоққа яқинлашганларида душман уларни пайқаб қолди ва дарёга қараб ўқ уза бошлади. Моҳир разведкачилар эса ҳамон белгиланган манзилни кўзлаб борарди. Ниҳоят, минг машаққат билан соҳилга чиқиб, совуқ қум ичига жойлашдилар.

Улар соҳил бўйида душманни кузатиб икки кун шу алфозда ўтиришди. Адашев дурбинни қўлидан қўймай атрофни кузатар, ёнидаги картага эса қаердан ўт очилаётгани, пулемёт, тўп ва миномёт нуқталарини ёзиб борарди. Сапёрлар ўтган икки кун ичида миналаштирилган майдонни зарарсизлантириб, жангчиларга йўл очишди. Улар учинчи кун тунда ҳарбий қисмга қайтишди...

Ҳа, катта сержант Соли Адашев Могилёв шаҳрини штурм билан эгаллаш учун бўлган жангларда ва Днепр дарёсини кечиб ўтишда ҳам шундай қаҳрамонлик кўрсатиб, ўзбек йигитларининг нима-ларга қодир эканлигини кўрсатди. Жасур жангчи шундай қаҳрамонликлари ўларок 1945 йилнинг 23 март санасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

ОЛИС УРУШ ХОТИРАЛАРИ

Дарахтлар оралаб кетар эканман, сарғайган барглари йўлимга пояндоз бўлади. Тўкилган барглари кўриб, умримиз ҳам шундай ўтиб кетяпти, деб ўйлайман. Аммо сарғайиш насиб қилмай, баҳорнинг аёвсиз шамолдан қанчалаб қуртаклар хазон бўлади. Инсоният тарихида миллионлаб кишилар ҳаётига зомин бўлган дахшатли бўронлар бўлгани ҳам сир эмас. Уруш ва унинг оғир оқибатлари ҳамон юракларда ўз чандиқларини қолдирган. Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига мислсиз офатлар ёғдирган тўфон эди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Бобоев ҳаёти билан танишар эканман, ўша йилларни ўзимча тасаввур чизгисида кўраман. Англайманки, бу йиллар тасаввуримдан кўра анча дахшатли бўлган.

1923 йил 23 январь кун Фарғона вилояти Жонкетмон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган йигит ота-онасининг суянчиғи эди. Ёшлигидан ота касби бўлган деҳқончиликни давом эттириб, ерга меҳр қўйди. Ёш бўлишига қарамай ҳосилнинг унумдорлигини ошириш учун кўп излашиб, тиним билмасди. Ўрта мактабни тугатиб, колхозга ишга жойлашди. Аммо орадан кўп вақт ўтмасдан у армияга қақрилди.

1942 йилнинг баҳор фаслида Белоруссия Марказий fronti, 61-армия 81-ўқчи дивизиясига қарашли 154-махсус разведкачилар ротасида хизматни бошлади.

1943 йили Днепр дарёсидаги жангда сафдошлари келгунга қадар душман ҳужумини қайтариб, мардондор ҳаракат қилади. Сўнг биринчилардан бўлиб фашист хандакига отилди. Фашист аскарларининг қўналғасини сафдошлари келгунга қадар, эгаллаб турди. У етти нафар душман жангчиларини асир олди. Бу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва «Олти Юлдуз» медали билан тақдирланади.

Звено командири лейтенант Са-



рашкин Духов, ўқчи-радист катта сержант Боис Низиров, ҳаво ўқчиси, моҳир мерган Раҳмат Досжанов ва қаҳрамонимиз бошчилигидаги ушбу гуруҳ ўта мураккаб вазиятларда ҳам муваффақиятга эришади. Аммо урушда ҳар доим ҳам омадли бўлиш мумкин эмас. Ўлим ҳар сонияда таъқиб қилади.

Тўхтасин ота ОАВга берган интервюларининг бирида суронли йиллар хотираларини шундай эслайди: «Бир кун командири қақриб, қилган хизматларим учун раҳмат айтди ва

медал билан тақдирлади. У пайтда 7 та медали бор эди. Уруш батамом тугади, энди уйингга қайтишнинг мумкин, деди. Урушда кечган уч йиллик умрим бутун ҳаётим учун катта сабоқ бўлди. Урушда бўлган пайтимда уйга 9 та хат юборган эканман. Урушдан кейинги йиллар ҳам осон бўлмади. Уруш тугаган бўлса-да, аммо у етказган талафотлар ўрнини қоплаш учун кўп йиллар кетди. Тинч ҳаётга қайтиб, аввал Тошкент юридик институтига ўқишга кирдим, сўнг кўп йиллар колхоз раиси бўлдим, оила қурдим. Бир инсон умрини яшадим. Инсон умри ўтган сайин хотиралар оғушида қолар экан.

Бир нарсаярагимни эсади, биз фашистлардан озод қилган қишлоқларнинг бирида Туман исми ёш етим бола бор эди. Бутун гуруҳимиз билан унга меҳр қўйиб қолгандик. Унинг келажаги нима бўлди экан, деб кўп ўйлайман. Уруш йилларининг ҳар бир аччиқ хотиралари юрагимда муҳрланиб қолган».


Тўхтасин Бобоев 2000 йил 77 ёшида вафот этди. Қаҳрамонимиз ҳаётини ўрганар эканман, ўша кузги барглари меванинг етилиб пишиши учун қанчалик хиссасдор эканлигини англадим. Бу дориламон кунлар ортда жасур боболаримизнинг хотираси, қаҳрамонлиги борлигини теран ҳис этаман.

Айжамал МАХСЕТБАЙ қизи

ИЛМГА БАХШИДА УМР

Буюкларнинг, эл-юртга хизмати сингган улў кишиларнинг номлари мангуликка дахлдор бўлади. Асрлар оша бу улў инсонларнинг хизматлари кўз-кўз қилинаверади. Абдулла Авлоний ана шундай улў маърифатпарвар, давлат ва жамоат арбоби, буюк ёзувчи эди.

«Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ» САОДАТИ



Қайси давраларда таълим-тарбия ҳақида гап кетса, албатта, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деган пурмаъно фикрлари тилга олинади. Алломанинг таълими ривожлантириш, тарбияни мустаҳкамлаш саодати йўлида қилган эзгуликлари эътироф этилади. Зеро, Абдулла Авлоний халқни илм-фан нурларидан баҳраманд этишни ўзининг бирдан-бир бурчи, деб билиб, она заминимизда, 1904 йилда энг биринчилардан бўлиб мактаб очган зиёли инсон эди. Тарихий маълумотларда келтирилишича, ўша даврда мактабда ўқийдиганларнинг кўпчилигини камбағалларнинг болалари ташкил этарди. Уларнинг эса уст-боши юпун, қоринлари оч. Бола оч бўлса, берилган сабоқларни қанчалик ўзлаштира олади?! Абдулла Авлонийни мана шу савол қўйнарди. Натижада бадавлат дўстларининг кўмаги билан «Жамияти хайрия»ни ташкил этади. Бу билан болаларга бепул кийим-беш, озик-овқат, дафтар, қалам берилишини таъминлайди. Бора-бора Авлоний очган мактабнинг шухрати тобора ортиб, ўқувчиларнинг сони кўпайиб кетади. Янгича

фикрлайдиган аллома кейинчалик янги ўқув тизимига асос солади. Мактабда болалар диққатини асосий фанларга жалб этиб, уларнинг тезда саводини чиқаришга ва шу билан бирга, аниқ фанлардан баҳраманд бўлишларига ҳаракат қилади. Ўқувчиларга жуғрофия, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат (физика) каби фанлардан сабоқ беради. Ўз изланиши ва тажрибасидан келиб чиқиб, биринчилардан бўлиб жуғрофия, кимё, астрономия ва физика фанини Туркистон мактабидида ўқитиш таклифини беради. Дарслар орасида танаффусларни, ўқувчилар бир синфдан иккинчисига ўтиши орасида имтиҳон топшириш тизимини йўлга қўяди. Ўша давр халқ педагогикасида Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» – «Алифбе», «Иккинчи муаллим» – «Ўқиш» китоблари катта роль ўйнади. Бу китобларда Авлоний ўтмиш адабиётимизнинг энг яхши аъёнларини давом эттирди, илм ва маърифатнинг аҳамиятини янгичасига талқин этди. «Биринчи муаллим»да Авлоний даставвал 32 ҳарфни ёлғиз ёзиладиган шакллари бир саҳифа алифбо тартибидида беради. «Иккинчи муаллим»да

ахлоқ-одобга доир, ҳалоллик ва покликка оид турли шеърлар, ҳикоя, масал ва эртақлар жамланган, ранг-баранг аллегорик қиёфалардан усталик билан фойдаланади.

Абдулла Авлоний 1904 йилдан то умрининг охирига қадар педагог сифатида фаолият юритди. Фаолияти давомида Эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртларида мудири (1923–1924), Тошкент ҳарбий мактаби (ҳозирги Қурулди Кучлар академияси, собиқ Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти)да ўқитувчи (1924–1929), Ўрта Осиё университетида Тил ва адабиёт кафедраси мудири (1930–1934) вазифасида ёшларга маърифат зиёсини таратиш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатади ва биринчилардан бўлиб профессор унвонига сазовор бўлади.

Ўзбекистонда нафақат Иккинчи жаҳон урушида, балки мазкур урушгача бўлган даврда ҳам қатор ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий кадрлар бўлганлиги кўпчиликка маълум эмас. Генерал Файзулла Норхўжаев ана шундай инсонлардан биридир. Ўз хизмати давомида қатор жанговар ҳаракат-

ларда иштирок этган бу инсон 1982 йилда «50 йил жанговар постда» номли китобини ёзади. Эътиборга сазовор жиҳати, генерал мазкур китобда Тошкент ҳарбий мактабига қабул қилиш жараёнида она тилидан имтиҳонни ўша вақтда ҳарбий мактабда курсантларга она тилидан сабоқ бериб келаётган ўзбек маърифатпарвари ва педагоги Абдулла Авлоний олганини меҳр билан эслайди. Бу муаллимнинг дарслари қанчалик қизиқарли ва мазмунли бўлганлиги, у тўғрисида адабиётга меҳри тушганлигини эътироф этади.

Авлоний бобомиз билан боғлиқ бундай хотиралар ўша вақтда курсант бўлган юзлаб, балки минглаб ҳарбийлар ҳаётида борлигининг ўзи шараф. Демак, ҳаёти шон-шарафга йўғрилган, умр дафтарини фақат эзгу амаллар билан беазаган маърифатпарвар аждодимиздан ҳар қанча ўрнат олсак, фахрлансак, арзийди.

Подполковник Ақром УЗОҚОВ,
Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети Ҳарбий таълим
факультети бошлиғи

Ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллашуви ва интеллектуал ривожланиши қўшинлар жанговар тайёргарлигининг энг муҳим тамойилига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг моддий-ўқув базаси замонавий ўқув лабораториялари билан янгиланди: спорт, ўқув тренажёрлари, компьютер ва ахборот технологиялари, электрон кутубхоналар, моделлаштириш ва симуляция маркази, ҳарбий фанларнинг энг сўнгги ютуқлари кенг жорий этилаётир.

ҲАРБИЙЛАР ОРАСИДА ФАН НОМЗОДЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ҳарбий соҳада компьютер ва дастурий инжиниринг, телекоммуникация, ахборот хавфсизлиги, илмий йўналишдаги педагогик офицерлар таркибидаги профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрлар, курсантлар ва ҳарбий қисмларда илмий-тадқиқот олиб бораётган ходимлар томонидан ёзилаётган илмий-назарий мақолаларнинг чоп этилишида амалий ёрдам бериш ҳамда ҳарбий алоқачи мутахассисларни IT технологияларни қўллай оладиган кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4122-сонли қарорига асосан Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтидида Илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилган эди. Ушбу лаборатория қисқа муддат ичида ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Олий аттестация комиссияси томонидан ҳарбий институтда илмий даража берувчи Илмий кенгаш ташкиллаштиришга рухсат берилди. Жорий йилнинг март ойида таълим даргоҳи

офицерлари – подполковник Қ. Турсунов, капитан Ж. Тажиёв ҳамда лейтенант Б. Юсупов ўзларининг диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, шу йилнинг май ойида техника фанлари бўйича фалсафа доктори унвонига сазовор бўлишди.

Ҳарбий институт илмий даражали ҳарбий хизматчилари сафига яна уч нафар фан номзоди қўшилиши барчамизнинг ютуғимиздир. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтидида «Устоз-шогирд» аъёнаси ҳам самарали йўлга қўйилган. Кўп йиллик ҳаётий тажрибаларини ўргатишдан ҳеч қачон чарчамайдиган, илм чўққилари сари етаклайдиган устозлар доим йўлчи маёқ вазифасини ўтаб келмоқда. Сафимизда бундай фидокор устозлар, интилувчан ҳамкасблар борлигидан фахрланамиз.

Подполковник Убайдулла СУЛТОНОВ,
институт ўқув бўлими катта офицери.
Гулноза ЁДГОРОВА, ўқитувчи

ШОНЛИ ЎТМИШ

Милодий 980 йил Бухоронинг Афсона қишлоғида туғилган Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Сино ҳаётлик вақтидаёқ замондошлари томонидан –

Шайх ар-раис – Донишмандлар сардори;

Шараф ал-мулк – Мамлакат шарафи;

Хужжат ал-ҳаққ – Ростликка далили;

Ҳаким ал-вазир – Донишманд вазир каби

фахрий унвонлар билан аталган.

Ибн Синонинг тибга оид ёзган юзлаб асарларининг ўттиздан ортиги бизгача етиб келган. Қуйида ана шу асарлардан «Дафъ алмадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония» – «Инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш» номли рисоласи ҳақида сўз юритамиз.

ИБН СИНОДАН ТАВСИЯ

ИНСОН БАДАНИГА ЕТИШГАН ЗАРАРЛАРНИ ЙЎҚОТИШ

РИСОЛАГА КИРИШ

Ибн Синонинг «Инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш» номли рисоласи хоразмшоҳ Маъмуннинг вазири олимлар ҳомийси Абул Ҳасан ас-Сахлий кўрсатмаси билан ёзилади. Бу ҳақда Ибн Сино рисола-нинг кириш қисмида шундай дейди:

– Ас-Сахлий жаноблари менга юксак илтифот кўрсатиб, ўз яқинлари қаторига қўшган, берган илмий буйруқларидан бирида инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш борасида бир китоб тузишга амр қилди. Чунки у тиббий китобларни диққат билан қараб чиққанида уларда асосий эътибор кишиларни зарарли ишлардан қайтаришга қаратилиб, буюрилганларнинг тескарисини қилиб, одамлар дучор бўлиб қоладиган ҳолатларнинг тадорукини кўриш ҳақида ҳеч нима дейилмаган экан. Унинг олиймақом буйруғини жон-дил ва итоат билан қабул қилдим.

Этти боб, яъни етти мақоладан таркиб топган рисолада муҳокама қилинган масалаларга асосан гигиеник талаблар асосида ечим изланади. «Биз киши ўзини сақлаши керак бўладиган нарсалар билан шугулланиб ўтирмай, йўл қўйилган хатоларни тузатадиган нарсалар билан шугулландик», дейди буюк табиб.

ТУРЛИ-ТУМАН ХАТОЛАР ТЎҒРИСИДА

деб номланган биринчи мақола шундай бошланади:

Баъзи ишларни тартибга солиш ва баъзи ишлардан чекиниш орқали соғлиқни сақлашга эришилади. Бунинг учун аввало ҳавони мўтадиллаш, овқатни, ичимликни, уйғоқликни, уйқунни, нафсоний ҳаракатни, истироҳат ва сукунатни, бадандан бўшатиладиган нарсаларни тартибга солиш лозим.

Ҳавони мўтадиллаш унинг иссиқ-совуқлигини ҳамда денгиз томонларда намлигини, дашт, чўл ва тоғларда унинг қуруқлигини, шунингдек, куз фаслида ёки ҳаммомга киришда бўладиган иссиқдан совуққа ёки совуқдан иссиққа кўчишни тартибга солишни тақозо этади. Доимий ҳаракатдаги ҳаво туфайли ҳам баданларда турли офатлар бўлади. У туфайли тоза жойларга ифлос чанг ва буғлар келиб қолиши мумкин, дейди мутафаккир.

Ҳаммомни ва ундаги ҳаракатларни тартибга солишда Ибн Сино ушбуларни тавсия этади. Аввало ҳаммом ҳавосини ва унга киришни тартибга солиш керак. Сўнг энг муҳими, ҳаммомда кес-

кин ҳаракатлар қилишдан, совуқ ёки ҳарорати ўта кучли суюқликлардан сақланиш лозим. Ҳаммомга кираётганда қорин жуда оч ёки тўқ бўлмаслиги, оғир ҳаракат, қон олдириш, сурги қилинмаслиги талаб этилади.

Овқат еишининг тартибини тузатиш ҳам кўпгина зарарларнинг олдини олади. Халқимиз сиҳат тилай десанг кўп ема, деб бежиз айтмайди. Ибн Синога кўра, тез ҳазм бўлувчи таом секин ҳазм бўлувчи устидан борса, муаммо пайдо бўлади. Овқатни мўтадиллашнинг йўриқларидан бири унинг вақтидир. Биринчиси пастроққа тушганда иккинчиси тановул қилинади.

Таом ҳазми кишининг ҳаракати, сокинлиги, уйқу ва уйғоқлиги, ғазабланиши ёки беҳад шодланиши каби ҳолатларига ҳам боғлиқдир. Масалан, қаттиқ ҳавф ёки беҳад лаззат вақтида совуқлик (овқат), шу каби сокинликда кўп ёки ҳаракат вақтида кам овқатланиш зарарлидир.

Таом ҳазми ҳақида сўз кетганда Ибн Сино бадантарбияга алоҳида урғу бериб ўтади. Буюк алломага кўра, у чарчатадиган даражада жуда узоқ ёки аксинча жуда оз ҳам бўлмасин. Ички аъзолар ҳамда томирлардаги биринчи таом ҳазмидан кейин ва иккинчи таом олди бадантарбиянинг вақти ҳисобланиб, у таом устига ёки тўқ қоринга, шунингдек, оч қоринга бажарилмайди.

Уйқу ва уйғоқлик ҳақидаги фикрлар бугунги кун учун ҳам муҳим. Аллома меъдада овқат микдори бирмунча енгиллашган вақтни уйқунинг вақти деб белгилайди. Фараз қилинган вақт микдори таъво ва мўтадилликка қараб белгиланади, бунинг кўп қисми кечасига ажратилади, – дейди Ибн Сино. Агар бадан ғизоланган (овқатланган) бўлса, унинг бир, икки соатини кундузга ўтказса бўлади. Ғизоланиш бўлмаса, кундузги уйқунинг озгинаси ҳам керакмас. Аммо қаттиқ ғазабланиш, чарчаш, фикрлаш, ғам чекиш кабилардан бирортаси юз берса кундузги уйқунинг зарари йўқ.

Ҳаддан ташқари кўп уйғоқлик, ухлаласлик ориқ бадан ва иссиқ мизовлар учун зарарлидир.

Ҳаддан ташқари кўп уйқу семиз ва тўлиқ баданларга зарарлидир.

ҲАВО ТЎҒРИСИДА

деб номланган иккинчи мақола шундай бошланади:

Иссиқ ҳаво қалбни қизитувчи, баданни бўшаштириб, ғовақлаштирувчидир.

Иссиқ ҳаво таъсир қилган ва ундан зарарланган иссиқ қуруқ мизовли ориқ баданлилар бир кунлик иситмага ёки сасишдан келиб чиқадиган иситмага учрайдилар. Кимга ушбу ҳаво зарар етказган бўлса, унга кофур (камфара), сандал ва гул суви ҳидлатиш зарур. Юзи, қўл-оёқлари совутилган гул суви ёки совуқ сув билан чайилади. Енгил, латиф нордон емак едирилади. Мева ичимликларидан нордон шароблар (маст қилувчи эмас) ичирилади. Шундан сўнг кузатилиб, унинг ўзгаришига қараб, кейинги чоралар қўрилади.

Совуқ урган кимсаларнинг давоси

ИБН СИНО



● Перкуссия – аъзога уриш орқали диагноз қўйишни, ҳусусан, асцит ва метеоризмни фарқлашда, истисқони аниқлашда – қоринга секин уриш орқали қўллаган. Бу усул 600 йилдан кейин веналик табиб Леопольд Ауэнбруггер (1722 – 1809) томонидан қайта кашф қилиниб, яна 50 йилдан сўнг амалиётга кирган.

● Турли касалликларнинг дифференциал диагностикасида ва гавданинг умумий ҳолатини аниқлашда томир уриши, сийдик ва нажасга қараб олинadиган белгиларга катта эътибор беради. Масалан, диабет (қанд) касаллигига у сийдикнинг ҳолати, шу жумладан, ундаги ширинлик моддасига қараб, ташхис қўйилади. Диабет касаллигида сийдикда қанд моддаси бўлишини 1775 йилда инглиз олими Добсон аниқлаган.

● Табобат тарихида биринчи бўлиб вабо билан ўлатни фарқлаган, юқумли касалликлар билан оғриган беморларни бошқалардан ажратган ҳолда сақлаш кераклигини таъкидлаган.

● Қутуриш касаллигининг кўринишлари, унинг юқумли ҳарактери, беморнинг бу касалликдаги ҳолатларини жуда тўғри аниқлаган. 1804 йилда европалик олим Цинке қутурган ҳайвонларнинг сўлаги юқумлилигини тасдиқлаган.

● Елка суягининг чиқишини оддий босиш билан даволаш усули ҳозиргача «Авиценна усули» деб аталади. Умуртқанинг қийшайишини ўзи ихтиро қилган ёғоч мослама ёрдамида тузатган. Бу усулни XV асрда француз табиби Кало қайта кашф этган.

● Суякларни гипсдаш усули ҳам Ибн Сино томонидан кенг қўлланган, лекин у ҳам кейинчалик унутлиб, европалик табиилар томонидан 1852 йилда амалиётга янги ихтиро сифатида қайтарилган.

● Касалликни даволашда шахсий гигиена, уйқу ва жисмоний машқларнинг аҳамияти катталигини уқтирган. Унинг бир касалликни бошқа бир касалликни қақириш йўли билан даволаш усули диққатга сазовордир. Масалан, у тутқаноқни даволашда тўрт кунлик иситма билан оғришни фойдали деб билади. Австриялик психиатр Ю. Вагнер-Яурег (1857 – 1940) шундай усулни қўллаб, захм касаллигини безгакни юқтириш орқали даволагани учун 1927 йилда Нобель мукофотида сазовор бўлган.

● У ўз тиббий асарларида замонавий жарроҳликда қўлланиб келаётган кўплаб усулларни баён қилган. Йирингли ишларни қуйдириш ёки пичоқ билан ёриш, бавосир ишларини тикиш, тампон, ўткир модда ёки тикиш билан қонни тўхтатиш, томоқни кесиб, най қўйиш (трахеотомия) шулар жумласидандир.

(Давоми бор)

Фурқат ЭРҒАШЕВ тайёрлади.

НУҚТАИ НАЗАР

Бў йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганига 75 йил тўлди. 1945 йилнинг июнида Калифорниянинг Сан-Франциско шаҳрида ташкилот низоми қабул қилинган. Келажакда урушларнинг олдини олиш мақсадида Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган бу идора халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишни бош мақсад қилган.

Кенгайётган қўлам

Бугунга келиб унинг вазифалари анча ўзгарди. COVID-19дан тортиб, иқлим ўзгаришига, ирқий адолатсизликдан тортиб, кучайиб бораётган ижтимоий тенгсизликкача бўлган муаммолар билан юзлашяпмиз. Дунё алғовдалғов, аммо ташкилот низомида битилган давомий мақсад бизни халқаро ҳамжамият сифатида ёрқин келажак сари етаклайди. Бироқ ташкилотга асос солган мамлакатларнинг баъзилари БМТнинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш кўп қиррали сиёсатдан чекинмоқда, майдорқ давлатлар эса бундай сиёсат тарафдори. Улар БМТга олдингидан каттароқ аҳамият бермоқда, чунки куннинг долзарб муаммоларини кўп қиррали дипломатия орқали, коллектив равишда ҳал қилиш муҳим эканини англаб етмоқда. Иқлим ўзгариши, глобал саломатлик каби бугунги муаммоларни халқаро ҳамкорлик орқалигина ҳал этиш мумкинлигини кўраяпмиз. Антониу Гутерриш кўп қиррали сиёсатга куч бағишлаш кераклигини айтади. «Муаммо бундай сиёсатнинг бугунги дунё ташкилларини олдида оқишда қолдириб қолди. Муаммо бугунги кўп қиррали сиёсатга қўлам, мақсад, тиш-тирноқ етишмаётганлигида», дейди БМТ бош котиби.

Сўнгги йилларда БМТ миссияси кенгайиб, тинчликпарварлик ва инсонпарварлик каби амалиётлар қўшилди. Бугунга келиб ташкилот 83 мамлакатда 87 миллион муҳтож одамни озиқ-овқат билан таъминлайди, дунёдаги болаларнинг ярмини эмлаган, 13 мамлакатда салкам 100 минг тинчликпарвар қўшини бор. Бироқ ташкилотнинг ўзига яраша танқидчилари ҳам йўқ эмас. Улар наздида, БМТ бугунги кун низоларини ҳал этишда ожизлик қиляпти.

Бугунги БМТ 1945 йилда орзу қилинган ташкилотдан фарқланади. Унинг сиёсий қаноти самарасиз ишламоқда. Кўплаб гуманитар идоралари яхши ишлаяпти, бироқ сиёсий томондан ташкилот зарур даражада фаолият юритмаяпти. Жаҳон ташкилоти 75 йиллигини COVID-19 пандемияси фонида нишонламоқда. Касаллик БМТ тузилганидан бери энг катта таҳдид дея кўриляпти. Бироқ долзарб муаммолар коронавирусдан олдин ҳам етарли эди. Айниқса, дунё давлатларининг иқлим ўзгариши сиёсатини мувофиқлаштириш ташкилотнинг келаси бир неча 10 йилликдаги энг катта муаммоси бўлади. БМТнинг қудратли аъзолари ташкилот ишини пайсалга солмай ҳамкорликни давом эттиришида мувоzanатни таъминлаш яна бир муаммо. Бир неча миллиард долларлик йиллик бюджетга эга ташкилот ўз тарихида энг катта молиявий инқирозга ҳам юз тутаётди. Айни дамда БМТ молиявий қийинчиликлари бошдан кечирмоқда. Бу эса дунёга салбий таъсир қиляпти, тинчлик ва хавфсизликка, глобал саломатликка таъсир қиляпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – ДУНЁ МУАММОЛАРИНИНГ ДИПЛОМАТИК ЕЧИМИ



Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-коднинг сканер қилинг.



Душманлар ҳам бирлашадиган палла

БМТ Хавфсизлик кенгаши пандемия ва коронавирусга қарши кураш чоралари даврида ўт очишни тўхтатиш бўйича резолюцияни қабул қилди. Резолюциянинг асосий мақсади март ойида БМТ Бош котибининг ўт очишни зудлик билан тўхтатиш тўғрисидаги қақирғини қўллаб-қувватлашдан иборат. Франция ва Туниснинг бу ташаббус ортидан тайёрлаган лойиҳасини Хавфсизлик кенгаши апрелдан буюн кўриб чиқаётганди. Дипломатларнинг сўзларига кўра, асосий келишмовчиликлар Хитой ва АҚШ делегациялари ўртасида юзага келган. Яқунда Вашингтоннинг талаби билан резолюция матнидан Жаҳон солиқни сақлаш ташкилотининг роли ҳақидаги эслатма чиқариб ташланди. Унда, шунингдек, инфекциянинг қайси мамлакатда келиб чиққани ҳам тилга олинмаган. Шу билан бирга, ҳужжатда қайд этилишича, «гуманитар танаффус ИШИД, Ал-Қоида ва террорчи гуруҳлар билан алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотларга қарши операцияларга нисбатан татбиқ қилинмайди».

Резолюцияга мувофиқ, БМТнинг тинчликпарвар миссиялари мамлакатларга касаллик тарқалишини чеклаш ҳаракатларида ёрдам беради. Аммо гап тинчлик ҳақида кетаётган экан, урушаётган барча томонлар ҳам БМТ Бош котибининг қақирғиларини бирдек қабул қилмади. Осиёнинг йирик давлатлари – Хитой ва Ҳиндистон чегарасидаги ҳолат бунга ёрқин мисол. НАТО аъзолари – Греция ва Туркия сал бўлмаса ёқалашига бори. Ваҳоланки, ўтмишда Европада кузатилган ҳалокатли эпидемиялар инсониятни тезроқ муросага келтирган: XIV асрдаги вабо французлар ва инглизларни Юз йиллик уруши якунлаб, қуролларни қинга солишга ва сулҳ тузишга мажбурлаганди. Юз йил муқаддам «испанка» эпидемияси ҳам уришувчи томонларнинг силласини қуритиб, Биринчи жаҳон уруши тезроқ якунланишига «хизмат қилганди». Бугун эса замбараклар тинай демаяпти.

Агар йирик давлатлар ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги қақирғилар атрофида бирлаша ол-

маса, бир неча давлатлар ва террорчи гуруҳлар иштирокидаги қуролли ҳаракатлар тўхтамайди. Ҳал қилувчи қатъий ҳаракатларни амалга ошириш имкони бой берилди. Уруш кетаётган жойларда коронавирус ўлимлар сонини янада оширмоқда: шифохоналар вайрон қилинган ёки ҳаддан ортиқ юклама билан ишламоқда, ҳарбий ҳаракатлар туфайли халқаро миссиялар шифокорлари беморлар жойлашган ҳудудларга етиб бора олмапти. Халқаро валюта фонди баҳоларига кўра, пандемия ва унинг оқибатларидан асосан низолар туфайли кучсизлашган давлатлар катта зарба олади. Умуман олганда, фонд прогнозларига кўра, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари иқтисодиёти бу йили 7 фоизга қисқаради, ҳолбуки, ўтган йили бу ҳудудларда 2,6 фоизлик ўсиш қайд этилганди. Даромадлар жиддий равишда пасаяди, пул ўтказмалари тўхтади. Бу эса хориждаги қариндошлари юборадиган пулларга қарам бўлган кўпчиликни яшаб қолишининг ягона манбасидан ҳам маҳрум қилади, дегани. Америкалик тадқиқотчилар, террорчи гуруҳлар қашшоқлик туфайли янада кўпроқ ёшларни ўз сафларига қўшиб олишидан хавфсирамоқда.

«Ҳамма ҳар дардда, кал қиз...»

«Қуролли зиддиятлар ҳудуди ҳақида маълумот йиғиш дастури» (Acled)нинг ҳисоб-китобларига кўра, БМТнинг тинчлик қақирғига 43 давлатдан фақат 10 тасида реакция қилинган, шундан фақат 2 та давлатда ҳарбий ҳаракатлар чиндан тўхтатилган. «31 давлатдаги урушлар иштирокчилари глобал сулҳ ҳақидаги қақирғиларни нафақат инкор этди, баъзи жойларда, масалан, Ироқ, Сомали, Мозамбикда ҳарбий ҳаракатлар янада фавқулодда. Умуман олганда, глобал тинчликка қақирғилар натижа бермади», дейилади ҳисоботда.

Дунёнинг турли давлатларидаги бир неча ҳарбий гуруҳлар уруш оловини кўмишга рози бўлиши, аммо кўп ҳолларда фақат қисқа муддатга тинчлик ўрнатилди ёки иккинчи томон ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга қўшилмади, демакки, қақирғи сулҳга ёришилмади. Дунё вирус билан курашда банд бўлиб, бошқа фронтлар ҳақида унутганидан фойдаланган ИШИД Сурия ва Ироқда қатор ҳужумларни амалга оширди ва бу билан ушбу радикал гуруҳ минтақада ўзини тиклаши бўйича ҳабаботларни тасдиқлади. Washington Institute мутахассиси Аарон Зелиннинг сўзларига кўра, гуруҳнинг «уйқудаги бўлимлари» ҳаракатга келган, АҚШ ИШИД устидан узиш-кесил галаба қозонилгани ҳақида эълон қилганида ҳам жангарилар Ироқ ва Сурия шимолида сақланиб қолганди. Демакки, маҳаллий низоларнинг олди олинмас экан, жаҳон тинчлиги ва барқарорлиги хавфдан холи бўлмайди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

«ИМТИҲОН МЕН УЧУН БАЙРАМ»

ёхуд «никко»нинг моҳияти нима?

“ Сарлавҳани ўқиб, севимли ва қадрдон фильмдаги Н.Они «никко» деб ўқиган Мамарайимбек ёдингизга тушгандир. «Ихтирочи» талаба имтиҳонга яхшигина «қуролланиб» келиб, профессорни доғда қолдирмоқчи бўлади. Аммо ўқитувчи ҳам бундай «зукко» талабаларнинг кўпини кўравериб, кўзи пишган, у ҳам анойи эмас. Ҳар йили олий таълим муассасалари учун кириш имтиҳонлари яқинлашар экан, баъзи уддабуронларнинг «ихтиро»ларини кўриб, эшитиб, ҳайрон қоласан, киши.

Абитуриентлик кўпчилик учун қадрдон давр. Кириш имтиҳонлари эса йиллар давомида мисқоллаб йиғилган билим элақдан ўтадиган палла. Ушбу синовларга ҳар ким турлича тайёргарлик кўради. Кимлардир бу ҳаяжонли ва масъулиятли кун учун астойдил билим олиб тайёрланса, кимлардир эса шунчаки «шпаргалка» тайёрлаш билан банд бўлади.

Афсуски, вақт ўтгани сайин уддабуронларнинг «куни туғмай» қўйяпти. Чунки уларнинг ўтмишдаги «олтин даври» тугаб бўлди. Кириш имтиҳонларини ҳаққоний, адолат тамойили асосида ўтказиш мақсадида ота-оналар, кенг омма ва журналистларга имтиҳонларни тўғридан-тўғри онлайн кузатиш имконияти яратилди.


Яқин ўтмишда тест синовларига қираётган айрим абитуриентлар томонидан қўлланиб келинган ноқонуний хатти-ҳаракатларга бутунлай чек қўйилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг аввало, имтиҳонлар ўтказилиши учун мўлжалланган махсус павильонларга «шпаргалка», қўл телефонлари ва бошқа воситалар киритилмаслигини таъминлаш мақсадида замонавий текширув қурилмалари ўрнатилган. Илгари тартибни бузган абитуриентдан тақиқланган восита олиб қўйилар, бироқ у имтиҳонга киритилиб, кўп қатори омадини (билимини эмас!) синовдан ўтказиб чиқаверар эди. Энди талаб қатъийлашган, қоидабузарга нисбатан дарҳол далолатнома тузилади ва у имтиҳондан бутунлай четлаштирилади. Бошқа бировнинг ўрнига кириш ҳақида эса гап бўлиши ҳам мумкин эмас! Чунки бинога кириш жойида шахснинг юз ифодасига кўра унинг чиндан ҳам қўлидаги ҳужжат эгаси эканлигини ўта аниқлик билан ажратиш берадиган қурилмалар ўрнатилди.

Ҳар йилгидек айни шу кунларда ОТМ қабул комиссиялари талаба бўламан ёки омадимни синаб кўрай-чи, деган йигит-шароит билан гавжум бўларди, агар пандемия қизоити бўлмаганида. Вазият тақозосига кўра, жорий йилда ҳужжатларни онлайн топшириш имконияти ҳам яратилди. Бу ҳам олис вилоятлардан пойтахтга ёки бўлмаса яшаш ҳудудидан узоқда бўлган олийгоҳларга ҳужжат топшириш истагида бўлган абитуриентлар учун яратилган қўлайликлардан бири. Хўш, имтиҳонларни орзиқиб кутаётган абитуриентлар элак сувдан кўтариладиган паллага тайёрми?

**Энг яхши «шпаргалка»,
бу – билим**

Абат УМАРОВ, абитуриент:

– Қорақалпоқ давлат университети қошидаги академик лицейни аъло баҳолар билан тугатдим. Мактаб ва лицейдаги устозларим таълим-тарбияси ортдан эришган натижаларим чакимас. Болалигимдан чет тилларини ўрганишга қизиқдим. Дарсдан ташқари чет тили ўқув курсларига қатнаб, тинимсиз ўз



Абитуриентга тавсиялар

Ўқишга ақл билан ёндашинг. Кириш имтиҳонларига тайёргарлик вақтида катта ҳажмдаги ахборотлар билан ишлашга тўғри келади, табиийки, бу пайтда организм чарчайди. Тайёргарлик вақтида қийналиб қолмаслик учун таннафус қилиб туришни ҳам унутманг. Ҳар 40–50 дақиқада 10–15 дақиқа дам олиш 8 соат тинимсиз ўқигандан кўра кўпроқ фойда беради.

Ўқиган нарсаларни эсга олиб туриш ҳам керак: дастлаб мавзунини ўқигандан 15–20 дақиқа ўтиб, олинган билимларни эсга олинг, 8–9 соатдан кейин такрорланг, бир суткадан кейин яна эсланг. Ҳар бир такрорлашда хатоларга диққат қаратинг ва уларни таҳлил қилинг. Бирор маълумотни 2–3 дақиқа давомида эслашга уриниб кўринг, эслолмасангиз, китобни очиб, қайта ўқинг.

Машғулотлар турини алмаштириб бординг. Доимо битта машғулот билан банд бўлиш одамни зериктириб, иштиёқини сўндириб қўйиши мумкин. Шунинг учун узоқ вақт ўқиб ёки маъруза эшитишдан кейин тоза ҳавода сайр қилиш, югуриш, бир жойда сакраш, сўнгра тест ёки машқ ечиш фойдали. Машғулотлар турининг алмашиб бориши миани тез чарчашдан халос этиб, ўқиш учун янги кучларни тўплашга ёрдам беради.

Билимларни визуаллаштиринг. Схемалар, жадваллар ва диаграммалар абитуриентнинг энг яқин дўстларидир. Визуал ҳолатда берилган информация миёда осонроқ эсда қолади. Уларни ўзингиз тайёрласангиз, янада яхши. Чунки бу хотира санъати – мнемониканинг айни ўзидир. Ватерлоо университети (Канада) олимларининг таъкидлашича, чизиш – эслаб қолишнинг энг самарали усули.

Энг муҳими, ортиқча нарсаларга вақт сарфламав. Ўзингизга, билимингизга ишонинг. «Шпаргалка» чалғитувчи омил эканлигини ёдингиздан чиқарманг!

Омад ёр бўлсин, абитуриентлар!

устимда ишляпман. Юртимизга келган хориж меҳмонларига инглиз ва француз тилларида таржимонлик ҳам қилиб турман. Бу йил зўр бўлди. Бешта олий ўқув даргоҳига чет тили мутахассислиги бўйича ҳужжат топширдим. Орзу ва мақсадим тайин: таржимон бўлмоқчиман. Билимимга ишонаман, шунинг учун менда деярли қўрқув йўқ. Ҳар хил чалғитувчи омиллар, шпаргалкалардан фойдаланиш ҳақида умуман ўйламайман ҳам.

Азамат ОЛИМОВ, талаба:

– Бу ҳаяжон ва ҳадик менга анча қадрдон бўлиб қолган. Икки йил омадим келмади (тўғрироғи, билимим етмади). Биринчи йилги тайёргарлигим кам бўлган, йиқилдим. Тан оламан, иккинчи йили «фахрий абитуриент» бўлиб қолишдан чўчиб, «шпаргалка»дан фойдаланганим, кузатувчи чиқиш эшикларини кўрсатиб юборди. Бу воқеа мен учун катта дарс бўлди. Фирром йўл билан ҳеч қачон мақсадга эришиб бўлмаслигини тушундим.

Учинчи йил деганда ўз билимимга таяниб, ўқишга кирдим. Абитуриентларга фақатгина билимларига ишониб ҳаракат қилишларини тавсия қилган бўлардим.

«Пинхона бомба»


Айрим абитуриентлар имтиҳон бошланишига бир кун қолганида: «қанийди яна бир ой вақт берилса-ю, яхшилаб тайёрланиб олсам», деб ўйлайди. Шундай ҳолга тушиб қолмаслик учун вақтдан унумли фойдаланиш керак. Бунда олий ҳакам тақсироти муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий тармоқлар, ҳудуд-беҳуда кўча кезиш, дўстлар билан мақсадсиз учрашув ва суҳбатлардан имкон қадар вақтдан узоқлашган маъқул. Агар «йўғ-е, бу қўлимдан келмайди», десангиз, тартиб ва меъёрга қатъий риоя қилинг.

Тунов куни қўшнимнинг қизи ўқишга топшироқчилигини айтиб, қандай «шпора»лардан фойдаланиш кераклигини сўраб қолса, денг. Бир томондан жаҳлим чиқса, бошқа томондан гапларига ҳайрон бўлдим.

– Ўзи нима қилмоқчисан, калла «бум-бум» шекилли? – десам, «пинхона бомба»дан фойдаланиш ниятида эканлигини айтди.

Унинг айтишича, «пинхона бомба» уддабуронликнинг ўтиб тушган кўриниши экан. Баланд пошнали туфли кийиб, унинг тагини «шпора» қоғозлари билан тўлдирмоқчи, сўнг ручканинг фақат қобиғини қолдириб, ичига керакли формулаларни жойлаб, имтиҳонга кирмоқчи (Абитуриент, бу сенга йўриқнома эмас, чалғима). Қойил-е! Нималарни ўйлаб топмайди бу «уддабурон абитуриентлар». Бир соат деганда унга бу нарсалар фойда бермаслигини, яна бир йилни беҳуда йўқотишини тушунтирдим.

**Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»**



ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалида «Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимида ҳарбий хизмат тайёргарлигининг аҳамияти» мавзусидаги республика илмий-амалий онлайн конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Қуролли Кучлар тузилмаларидаги кадрлар тайёрлаш тизими мутасаддилари, Қуролли Кучлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ва олий таълим муассасаларининг ҳарбий кафедралари профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

– Ўтган йили ташкил этилган

филиалимизга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган, – дейди ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, юридик фанлар номзоди Ихтиёр Жураев. – Ўқув муассасамизда мутахассислик фанлари билан

бир қаторда, ҳарбий хизмат тайёргарлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги анжуманда ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, ҳарбий тайёргарлик машғулотларини ҳар томонлама сифатли ўтказиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, замонавий техника ва алоқа воситаларини қўллаш бўйича тажриба алмашилди.

Анжуман иштирокчилари мав-

зу доирасидаги турли маъруза ва тақдиротларини йиғилганлар эътиборига ҳавола этди. Жумладан, Қуролли Кучлар академияси катта ўқитувчиси, ҳарбий фанлар доктори подполковник Ботиржон Аҳмаджонов, Ички ишлар вазирлиги академияси катта ўқитувчиси подполковник Маҳмуджон Рустамов, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ўқитувчиси подполковник Азизбек Жаниқулов, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғи полковник Баҳром Муродовнинг ҳарбий хизмат тайёргарлигига оид таҳлилий маърузалари конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференция сўнггида олий ҳарбий таълим муассасалари ва Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиали ўртасида ўзаро маҳорат дарсларини ташкил этишга келишиб олинди.

Отабек ҚОДИРОВ,
ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали Касбий-жанговар тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси

АРМИЯ СПОРТИ

УМИДЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Нукус гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида муддатли ҳарбий хизматни спорт взводида давом эттиришга лойиқ номзодларни саралашга бағишланган баҳслар бўлиб ўтди.



Мудофаа вазирлиги қўшинларида армия спорти нуфузини юксалтириш, ёш ва умидли спортчиларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчилар орасидан спорт йўриқчиларини тарбиялаш ҳамда Қуролли Кучлар миқёсида ва бошқа нуфузли мусобақаларда юрт химоячиларининг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида барча ҳарбий округларда спорт взводларининг фаолияти самарали йўлга қўйилган.

Ўтган ҳафтада Шимоли-ғарбий ҳарбий округдаги ҳарбий қисм спорт взводига муддатли ҳарбий хизматчилар орасидан 200 нафарга яқини саралаб олинди.

– Армияга келишдан олдин спортнинг дзюдо тури билан мунтазам шуғулланиб, 2016 – 2018 йиллар мобайнида мамлакат миқёсидаги мусобақаларда 3 йил давомида чемпионлиқни қўлга киритиб келганман, – дейди қашқадарёлик оддий аскар Иззатилло Орзиқулов. – Эндиги мақсадим жаҳон чемпионатларида қатнашиб, юртимиздан чиққан мард пахлавонлар каби мамлакатимиз байроғини юксакларга кўтаришдир. Ҳарбий хизматга келишдан олдин армияда спортга эътибор жуда катта бўлишини эшитгандим. Тўғри экан. Мен спорт мусобақаларида Мудофаа вазирлиги ҳамда ҳарбий округимиз шарафини химоя қилиш учун астойдил ҳаракат қиламан. Менга билдирилган ишончни юксак ғалабалар билан оқлашга тайёрман.

Майор Тимур НАРЗИЕВ, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи

АНЖУМАН

Ислохотлар ижроси муҳокамада

«Тараққиёт стратегияси» марказида онлайн тарзда ташкил этилган халқаро анжуман Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши – қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишларига бағишланди.

Марказ ташаббуси билан ўтказилган виртуал мулоқотда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда давлат дастурининг ярим йиллик ижроси сарҳисоби, пандемия туфайли бажарилмай қолган бандларни амалга ошириш чоралари, йил охирига қадар белгиланган вазифалар муҳокама қилинди.

Онлайн анжуманда мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ижроси мониторинги бўйича мавжуд ҳолат юзасидан таҳлилий маърузалар тингланди. Бу борада белгиланган чора-тадбирлар самарасини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

М. ОЧИЛОВ,
Миллий гвардия юридик таъминлаш ва мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бўлим бошлиғи

Гулшода ота уйига иккинчи рўзгоридан ҳам қайтди. Бир қараганда фожиа эмасдек, гўё. Ахир қайтишга сабаби бор – фарзандсизлик. Кейин, ҳали ёш, ойдек ҳусни бор, бахтини яна синаб кўрса бўлади. Бироқ ота уйдан оқ фотиҳа билан чиққан кизнинг кўч-кўрони билан қоллари чи-мирилган келинлар қошига қайтиши... Дўст-душман, ҳамқишлоқларнинг шивир-шивири деганларидек. Бу дардини, бу мустарликини дарди дунёси қоронғи Гулшода-ю, бағри куюк онаизори Рўзигул опагина теран ҳис қилиб турарди.

Унинг кўчини Илёс аканинг онаси-дан қолган ҳовли четидаги дахлизли уйчага жойлашди. Омборхона вази-фасини ўтаётган эски кулбага ёруғ-лик кирди, ҳаёт нафаси ўрмалади. Хонадон каттаси ўтгандан кейин, ўн йиллар чамаси одам ҳидини туймаган бу кўнарга анчайин таъмирга муҳтож бўлиб, Илёс аканинг сай-ҳаракати, тўғрироғи, қайсарлиги сабаб бузил-май келаётганди. У ўғилларининг: «Ота, шу эски уйни бузиб, ўрнига янги кўтарайлик», деган илтимосига «Онам яшаб ўтган уйга тил теккизмаларинг, бу жойдан унинг хиди келади, соғинганимда нафасини туюман», дея уларга оғиз очирмасди. Дастлаб онасидан кейин Илёс ака тез-тез бош суқиб турадиган уйча аста-секин қазноққа айланиб борди. Бугун эса Гулшоданинг кўчи сабаб, уйчага яна ҳаёт қайтди.

– Сикилма, қизим, ҳаётнинг бир қавати шунақа, синовли дунё дей-дилар. Энди ўттизга қиряпсан, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – нарсаларини жойлаб, бир нуқтага тикилиб ўтирган кизининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди Рўзигул опа. – Катта амманг ҳам учинчи рўзгоридан кейин ти-ниб-тинчиб кетган. Биринчи эри бола-ли бўлиб улғурмай эрта оламдан ўтди, иккинчисидан фарзанд кўрмади. Ҳозир қишлоқнинг қайвони онахон-ларидан, у кунларни эсламайди ҳам.

– Эсламагани билан амманнинг юрагида чандиқ қолгани аниқ. Фақат гапирмайди, – маҳзун жавоб қайтарди Гулшода. – Аммо мен учинчи марта оила кўрмоқчи эмасан, тўғмас хо-тин ҳеч кимга керак эмас. Ўқийман,

ишлайман, ўз кунимни ўзим кўраман.

– Ундай дема, қизим, ўзи ҳозир шу гапларнинг мавриди эмасди, чарчагансан. Кўнглингни кўтарай, дегандим-да, болам. Кейин бафуржа...

– Илтимос, кейин ҳам бу мавзуга қайтмайлик, онажон.

– Майли, қизим, майли, сен айт-ганча бўла қолсин. Қорнинг ҳам очиб кетгандир, келинлар овқат сузаяпти, тамадди қилиб олайлик.

Айвондаги катта хонтахта атрофи бир зумда келин-кертас, бола-чақа билан тўлди. Ҳамма овқатланиш билан овора. Фақат Гулшоданинг то-моғидан овқат ўтмайди. Хаёли ўтган кунлари сарҳисобида.

У ёшлигидан оғир-босиқ, дардини ичига ютадиган қиз бўлгани билан, ҳеч қачон тушқунликка тушмасди. Билимга чанқоқ қизгина бир олам орзулар оғушида муаллима бўлмоқчи эди. Лекин отаси...

– Қизинг кўзга яқин, уни узок шаҳарга ўқишга юбориб бўладими? – Гулшоданинг кўз ёши-ю, хотинининг ялинишига қарамай қарорини қатъий қилди Илёс ака. – Кўряпсан-ку, ён қишлоққа тўйга бориб келгандан буён яна ошиқлар пайдо бўлди, уйдан сов-чилар узилмай қолди.

– Қиз болага совчилар бўлади-да, – бўш келмади Рўзигул опа. – Мен қи-зимга ишонаман, ўзига ҳар томонлама маҳкам у.

– Қизинг ўзига маҳкам бўлгани билан ёш, содда. Гап битта, овора бўлиб унинг ўқиши ҳақида бошқа гапирма. Иложи бўлса, дарвоза таги-даги ошиқлар сонини кўпайтирмай, бу йил узатиб юборамиз.

– Дадаси, қизингизни «ўзимиз ўқитиб оламиз», деган совчига уза-тайлик. Биласиз, мактабда яхши ўқиган, билими увол кетмасин.

Гулшода ота-онасига бўйсунди. Совчиларнинг «ўқитамиз», деган ваъ-дасига ишонди. Ўн саккиз ёшида ён қишлоққа келин бўлиб тушди.

Эри еру кўкка ишонмайди, қайно-на-қайнотаси меҳрибон. «Бахт дегани шу бўлса керак», – деб ўйларди ҳа-ётдан мамнун Гулшода. «Фақат сирт-дан ўқишга рухсат беришса бўлгани. Ўқийман, ишлайман, қандай яхши».

Аммо хаёл бошқа, ҳаёт бошқа,

деганларидек, тўйларига бир ой бўлар-бўлмас, хонадон катталари ун-дан набира кута бошлади. Қайнонаси Гулшодани ёнига чақириб дилидагини тилига чиқарди:

– Ўқиш қочмайди, қизим. Аввал битта бола туғиб, рўзгорингизни бут қилиб олинг. Кейин ўқийсизми, ишлайсизми, ихтиёрингиз...

Гулшода ўша ёруғ кунни интиқ кутди, орзиқиб кутди. Қайнонаси айтганидек, оналик бахтига етадиган яна не бор. Ҳадемай севган эри ва оила катталарининг орзусини юзага чиқаради. Кейин бошқа мақсадлари томон интилади, юраги ҳаприқди гўзал келинчакнинг.

Бир йил, икки йил, уч йил... Ша-молдек ўтган йиллар ичида Гулшода не-не шифокорлар, табиблар ҳузури-да бўлмади. Аммо... Фарзанд кўриш-дан умидини узган эрининг муомаласи ўзгара бошлади. Беш йилдан сўнг ота уйига қайтди...

– Қизим, сенга қўшни маҳалладаги Холмат шопир оғиз соляпти, – эридан ажрашганига бир йил бўлар-бўлмас онаси тез-тез совчилар ҳақида гапира бошлади. – Биласан, хотини битта қиз туғди-ю, дардман бўлиб оламдан ўтди. Етимнинг бошини силасанг, Аллоҳ сени сийлайди, қизим. Холматжон бағрикенг, хушчақчақ, тўпори йигит. «Гулшода рози бўлса, бошимда кўта-риб юраман», дебди.

– Тўпори йигит, – онасининг га-пини ўйчан такрорлади Гулшода. – Ўқийман, ўқиган йигитга турмушга чиқаман, болаларим ўқимишли бўла-ди, дердим. Ҳаммаси ўтмишда қолди.

– Болам, ҳали ёшсан, ёруғ кунла-ринг олдинда, иншооллоҳ. Қишлоққа бермай, оғзимиз куйди. Ошиқ бўлиб остонамизга ётиб олган эринг юз-хо-тир қилмади, ярашиш учун қайта қадам босмади. Ота-онаси ўша заҳоти уйлантириб қўйди, хотини ҳомилдор эмиш. Холматжонга тексанг, олди-мизда бўласан, болаларингни, катта қилишаман.

– Болаларим бўлармикан, она?

– Ундай дема, қизим, ёлғизимсан, ўзингдан кўпайгин, илоҳим, – кўз ёшларини тия олмади Рўзигул опа. Холмат шопир онаси таърифла-

ганидек, бағрикенг, қўли очик йигит эди. Биргаликдаги турмуши ширин кеча бошлади. Икки ёшли қизалоғи Гулшодага тез кўниқди, онам дея меҳр қўйди. Йигит эса... Йигит ундан астойдил ўғил кута бошлади. Муола-жалардан юраги безиллаб қолган жу-вон яна шифокорлар остонасига бош уриб борди. Уқоллар, дорилар, турфа хил муолажалар... «Бошимда кўтариб юраман», деган Холмат шопир ҳам...

Гулшоданинг ота уйига қайтганига икки ой бўляпти. У орқада қолган ҳам-ма нарсани унутишни, ҳаётини янгит-дан бошлашни истарди. Боғчага ишга кирди, сиртдан ўқишга тайёргарлик кўра бошлади. Ишдан қайтганида онаси икки ёшга яқинлашиб қолган болакай билан қарши олди уни. Бола тинмай йиғларди.

– Ойижон, тинчликми, бу кимнинг ўғилчаси?

– Э-э гапирма, қизим, боғ томон қўшнимиз Жалол аканг беш йил деганда болалари билан Россиядан қайтди. Аммо хотини Саъдия уч бо-ласини ташлаб, бошқа эркак билан кетиб қолибди.

– Йўғе-е, Саъдия опа яхши аёл эди-ку, – ҳайратини яширмади Гул-шода.

– Ҳа-а, болам, одамнинг оласи ичида. Гоҳида алданади, адашади. Нима бўлгандаям болаларини ташлаб кетишга қандай кўзи қийди экан, беақл жувоннинг? Мана бу гўдакки-нада нима айб? Дадаси юпата олмай, бизниқига олиб чиқибди.

Рўзигул опанинг гапи тугар-туга-мас болакай Гулшода томон интилди. У қўлига олган заҳоти йиғиси тўхтади.

– Тавба, юпатиш учун нималар қилмади-ма? Онасини соғинибди-да, бола шўрлик.

– Исми нима экан, ойи?

– Исломбек.

«Исломбек», – бағрида ухлаб қол-ган болакайнинг исмини такрорлаб, бошини меҳр билан силади Гулшода. Шу бўлди-ю, Исломбек Гулшодадан ажралмади. Бу тўртинчи бор оила кўрмасликка жазм этган гўзал Гул-шоданинг тақдири эди...

– Она, неча кундан буён Гулшода-нинг иштаҳаси йўқ, ҳолсиз. Болаларга қараб турсангиз, дўхтирга кўрсатиб келаман, – чорбоғ эшикдан кириб келган куёвининг гапидан Рўзигул опа ўзини йўқотиб қўяёзди.

– Вой, Жалолбек, нега мазаси бўл-майди, кеча кўрганимда соғ эди-ку! Ё мендан дардини яширдими а?

– Ваҳима қилманг, она, ҳаммаси яхшиликка.

– Айтганингиз келсин, болам...


Шифокор ҳузуридан эр-хотин ўзчага кайфиятда қайтди: Гулшода ҳомилдор эди.

Орадан йиллар ўтди. Оила фар-зандлари яна уч нафарга кўпайди. Кунларнинг бирида катта ҳовлининг катта дарвозаси ёнида ёшига нисба-тан анча қартайган, кўзлари ичига чўккан, афтодаҳол аёл пайдо бўлди. У баланд кўтарилган иморатларга ҳайрат билан қарар, ҳовлида ўйнаб юрган болалардан кўз узмасди. У она-ликдан маҳрум қилинган Саъдия эди.

Аёл ичкарига киришга ботина олмади. Вояга етиб қолган болала-рининг исмини бирма-бир айтиб пи-чирлади-да, қадди эгик ҳолда ортига қайтди...

Зулфия ЮНУСОВА

ТИЛАСИМЛИ
ДУНЁ



МУЛОҲАЗА



Ниқобларга тўлган шаҳар

Дорихонадан чиқиб, кўча бўйлаб борар эканман, мендан 5-6 қадам олдинда кетаётган ўрта ёшли аёл атрофга бир қараб олди-да, юзидаги тиббий ниқобини йўл чеккасига ташлаб юборди. Унга қараб ёнидаги 6-7 ёш атрофидаги ўғли ҳам шундай қилди.

– Опа, уялмайсизми, ниқобни нега ерга ташладингиз? Бу йўлдан кўпчилик ўтади-ку! – дейишимни биланман она-бола илдам юриб кетди.

Афсуски, бундай ҳолатга деярли ҳар куни дуч келамиз. Пандемия бошланганидан буён яроқсиз тиббиёт буюмлари, ниқоблар, қўлқоплар шаҳар кўчалари ва йўлакларига, ариқларда ташландиққа айланаётганига кўзимиз тушади.

Тасаввур қилинг, ҳар куни дунё бўйлаб қанчадан-қанча ниқоб ташлаб юборилади, яроқсиз ҳолга келтирилгач, албатта. Бу чиқиндилар қаерга кетяпти? Бундай чиқиндилар учун пойтахт кўчаларида ахлат ташлайдиган махсус жойлар борми? Айрим давлатларда бу катта муаммага айланмоқда. Негаки, яроқсиз тиббий буюмлар энг хавфли инфекция ташиш воситасига айланиши борми? Шунинг учун тегишли ташкилотлар, масъул шахслар мазкур муаммага аниқ ечимлар изламоқда.

Ақида хоним, эколог, блогер:

– Пандемия пайтида ва ундан анча олдин жамоамиз билан «Покиза инсонлар» акциясини йўлга қўйдик. Мақсад ободонлаштириш ходимларининг оғир меҳнатини қадрлаш, уларга оз бўлса-да моллий томондан ёрдам бериш, шунингдек, шаҳар тозаллигига ҳисса қўшиш эди. Акциямиз республика бўйлаб давом этди.

Биласизми, одамларда шундай ёмон одат бор: қўлидаги чиқиндини ахлат қутисига эмас, кўчага ташлайди. Бугун биз ва дунё учун энг хавфли касаллик бу, шубҳасиз, коронавирусдир. Мутахассислар ундан ҳимояланиш учун биринчи навбатда тиббий ниқоб ва қўлқопдан фойдаланиш кераклигини айтишяпти. Аммо бу тиббий воситалар фойдаланиб бўлингач, энг хавфли чиқиндига айланишини кўпчилик билмайди. Агар вирусдан зарарланган ниқоб кўчада ётса-ю, уни ёш болалар ушласа, нима бўлади? Ахлат қутисига ташлаб қўйиш керак. Мен уйлан-тирган нарса ота-оналар, ёши катталарнинг бунга бефарқлигидир. Эринчоқ одамда доим баҳона тайёр бўлади. Чиқиндиларни тегишли жойга ташланглар, десак, ундай жой йўқ-ку, дейишади. Ваҳоланки, умуман иложи бўлмаса, бир марталик пакетларга солиб қўйиб кетишса ҳам бўлади.

Аслида бугун чиқинди муаммоси бутун дунё ахлини ташвишга солмоқда. Урбанизация жараёни жадаллашиб, шаҳарлар кенгаётган, аҳоли сони ўсаяётган ва унинг эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган бир пайтда, чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларнинг утилизацияси энг катта экологик муаммолардан бирига айланди. Маълумотларга кўра, бир кунда дунё бўйича ўртача 5 миллиард 754 миллион килограмм

чиқинди чиқар экан. Унинг 30 фоизи қайта ишлан-япти, қолгани аста-секинлик билан она сайёрамизни қопламоқда. Афсуски, бу жараёнларда сиз билан бизнинг ҳам «ҳисса»миз катта.

Муаммо қаерда?

2020 йил 20 мартда соғлиқни сақлаш вазирининг «Тиббий буюмлар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди. Киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда тиббиёт ниқобини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ҳамда уни реализация қилиш учун лицензия талаб этилмайди. Пандемия туфайли ниқоб сотиш савдосининг «кетмони учди». Тадбиркорликдан хабари бўлгани ҳам, бўлмагани ҳам савдонинг шу тури билан шуғуллана бошлади. Олдин тиббий ниқобнинг нари борса учта турини билсак, эндиликда у юздан ортиқ ранг ва кўринишларда бозор, кўча савдо расталари ҳамда дорихоналарда пайдо бўлди, нархлари ҳам ҳамёнбоп. Аммо мутасадди ташкилотлар томонидан назорат текширувлари ўтказилганида айрим «уддабурон тадбиркор»ларнинг гигиена қоидаларига зид равишда тиббий ниқоблар ишлаб чиқараётгани аниқланди. Энг ёмони, олдин ишлатилган ёки инсоннинг саломатлигига акс

таъсир этувчи матолардан тикилган ниқоблар ҳам бозорларда «урчида». Бу эса, табиийки чиқинди-лар сони кўпайишига сабаб бўлди. Масалан, ўзим ҳам бир неча марта шундай савдонинг «қурбони» бўлдим.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабар беришича, дунё бўйича бир кунда 14 минг яроқсиз тиббий ниқоб ишлаб чиқарилади, шунингдек, 18 минг ниқоб махсус чиқинди қутиларига эмас, кўчага отиб юборилади. Тиббий ниқоб ва қўлқоплардан гигиеник қоидаларга амал қилмай фойдаланиш оқибатида эса коронавирусдан зарарланиш сони ортиб бормоқда. Масалан, Ҳиндистонда бу кўрсаткич анча юқори.

Чиқинди – жиддий хавф

Чиқиндилар бевосита озон қатламига таъсир этишини биласизми? Масалан, биз фойдаланадиган аэрозоль идишлар (хаво тозаловчи, дезодорант ва ҳ.к.) таркибида стратосферада озонни емирадиган моддалар мавжуд. Мутахассисларнинг айтишича, озон қатламининг емирилиши одамларда саратон касаллигини келтириб чиқаради. Сўнгги йилларда уйда ишлатиладиган товарлардан чиқётган чиқиндилар ичида инсон ҳаёти учун хавфлилари 45 фоизни ташкил этади. Булар батареялар, бўёқлар, ёғ ва бўёқни эритувчилар, таркибида фосфор бўлган элементлар, флюоресцент лампалар... Ахлатхоналарга, дарё ва каналларга ташланган бундай чиқиндилар ер усти ва ер ости сувларини заҳарлайди, кишилар саломатлигига жиддий хавф солади. Шу ўринда битта ўринли савол туғилади. Хўш, бундай чиқиндиларни ташлаш учун махсус ахлатхоналар етарлими? Тунов кун ишхонамиздаги бир опанинг чиқиндилар ҳақида хуноб бўлиб айтган гапи ёдимга тушди. Ишга келаверишида қўлидаги чиқинди тўла елим халтани қаерга ташлашини билмай, анча сарсон бўлибди.

– Тошкент Марказий Осиёдаги энг катта ва гавжум пойтахт шаҳар-ку! Нега бизда чиқинди ташлайдиган жойлар кам? Ҳар юз метрга битта ахлат ташланадиган жой қилиш қийин эмас. Яна чиқиндиларни ҳам алоҳида ажратиб қўйиш керак. Масалан, елим идишларга алоҳида, шиша ва озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндиларини ташлаш учун алоҳида идиш, – дейди ҳамкасб опа қуйиниб. Тўғри, айти ҳақиқатни айтди.

Бу мавзуда узоқ баҳслашиш мумкин. Аммо энг муҳими унинг натижасида! Шундай экан, тождор вирусдан ўзингизни, фарзандларингизни, қолаверса, экологияни ҳам асранг. Зеро, биздан келгуси авлодларга тоза, ям-яшил табиат қолсин!



Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА,
«Vatanparvar»



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ, АЛБАТТА, ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ!»

Хозирги кунда дунё аҳолисининг қарийб 20 фоизи ёшлар ҳисобланади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этиб, улар учун зарур имтиёз ва имкониятлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

ДАВЛАТ СИЁСАТИ АМАЛДА

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, ўтган уч йил мобайнида ёшларга оид жами 5 та қонун ва 45 та қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда 30 июнь – Ёшлар куни этиб белгилангани ёшлар учун ўзига хос қувончли байрам, уларни янги, юксак марраларга ундовчи бекиёс рағбат бўлди. Юртимизда бу куннинг кенг нишонланиши жамиятимиз ва давлатимизнинг ёшлар сиёсатидаги қатъий иродасини намоён этиб, мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, бутун халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хо-

размий номидаги мактабда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда: «Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қураимиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади», деб таъкидлаган эди. Мудофаа вазирлиги қўшинларида жорий йилнинг 1 июнидан 30 июнига қадар Ёшлар куни ва «Ёшлар ойлиги» «Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қураимиз!» шiori остида ташкил этилди. Ушбу маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда асосий эътибор бешта муҳим ташаббус тарғиботи, ёшлар дунёқарабини кенгайтириш, фоллигини ошириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати йўналишида амалга оширилган ислохотлар

юзасидан батафсил ахборот бериб бориш, имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари асосий диққат-эътиборда бўлди. Айниқса, уюлмаган ёшларни ижтимоий фаоллаштириш ва бандлигини таъминлаш борасида самарали тадбирлар ўтказилди. Ёшлар ўртасида спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи қизиқарли лойиҳа ва акциялар кўлами кенгайди.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда ёш ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқувчи ёшлар иштирокида мингдан зиёд спорт мусобақалари, «Ёшлар – келажагимиз» шiori остида кўплаб давра суҳбатлари, учрашувлар, китобхонликни кенг тарғиб этувчи қатор ижодий танловлар, «Табиат қўйнида бир

кун» лойиҳаси доирасида мингга яқин назм кечалари, истироҳат боғларида сайиллар, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар томонидан «Фахрийлар – эъзозимизда» мавзусида юздан ортиқ спектакллар намоиши ташкил этилгани бунга мисолдир.

Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Генерал ва ёшлар», шунингдек, ҳудудларда иттифокнинг вилоят кенгашлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтган «Қўмондон ва ёшлар» сингари онлайн учрашувлар ёш авлоднинг ушбу шарафли касбга бўлган иштиёқини янада оширди. Ҳарбий хизматчилар томонидан 1 370 дан ортиқ имконияти чекланган фарзанди бор ҳарбий оилалар ҳолидан хабар олинди. Меҳрибонлик ва мурувват уйларида ташкил этилган концерт дастурлари улар учун чинакам байрам тўхфаси бўлди.

«Ёшлар ойлиги» Мудофаа вазирлиги қўшинларида бу борадаги 6 ой мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб этиш имконини берди. Жумладан, Ёшлар кунига бағишлаб Ўзбекистон ёшлар иттифокининг Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг II форуми ўтказилди. Барча тадбирлар пандемия даврида ўрнатилган карантин қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда ташкил қилинди.

Қўшинларда бундай хайрли тадбирлар мунтазамлик касб этган. Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси томонидан доимий равишда унинг натижадорлик мониторингини олиб борилади.

Подполковник
Темур НАРЗУЛЛАЕВ

Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Ёшлар ойлиги» ва Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган ТАДБИРЛАР



187

МЕҲРИБОНЛИК ҲАМДА
МУРУВВАТ УЙЛАРИДА ТАШКИЛ
ЭТИЛГАН БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ



1 370

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ФАРЗАНДИ
БОР ОИЛАЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ



798

ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН
«ЁШЛАР САЙИЛЛАРИ»



109

«ФАҲРИЙЛАР – ЭЪЗОЗИМИЗДА»
СПЕКТАКЛЬ НАМОЙИШЛАРИ



1 069

«ТАБИАТ ҚЎЙНИДА БИР КҮН» ЛОЙИҲАСИ
ДОИРАСИДА «ЁШЛАР НАЗМ КЕЧАЛАРИ»



1 842

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА
«ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ»
ШИОРИ ОСТИДА ТАДБИРЛАР



1 505

ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА СПОРТ
ТУРЛАРИ БҮЙИЧА МУСОБАҚАЛАР



27

«ГЕНЕРАЛ ВА ЁШЛАР»
ОНЛАЙН УЧРАШУВЛАРИ



1 294

КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИ

ШИОР:

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ, АЛБАТТА,
ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ!»



ОГОҲЛИК

Болалар назоратсиз қолмасин!

Одатда ёнғин инсонларнинг очиқ оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизликлари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари, электр сим ва жиҳозлар, иситиш мосламаларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланишидан келиб чиқади. Аммо мазкур ёнғинларнинг содир бўлишига болаларнинг назоратсиз қолдирилиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Бугунги пандемия шароитида, қолаверса, ёзги мавсумда ота-оналар, катта ёшдагилар болажонларга нисбатан янада эътиборлироқ бўлиши талаб этилади. Кичкинтойларни назоратсиз қолдирмаслик ва олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрмаслик, улар олдида оловли ишларни бажармаслик, электр розеткалар тешикларини махсус пластик қопламлар билан беркитиб қўйиш, болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари юзасидан доимо тушунчалар бериб бориш муҳим аҳамиятига эгадир.

Болалар ёнғин пайтида олов билан бирга тутун ҳам ҳаёт учун хавф туғдиришини, аланга ва тутун қоплаган жойдан ташқарига эгилиб ёки эмаклаб чиқиш кераклигини, иложи бўлса, кийимни ҳўллаб олиши ва бошини ҳўл мато билан беркитиши лозимлигини билишлари керак. Агар хонада газ хиди сезилса, чироқ ва учқун чиқарувчи мосламалардан фойдаланиш асло мумкин эмас. Бу ҳолда дарҳол хонани шамоллатиш чорасини кўриш, газ жўмраги орқали газ ўчирилгандан сўнг ҳам газ хиди пайқалса, бу ҳақда катталарга ёки «104» телефон рақами орқали мутахассисларга хабар беришни унутмасликлари лозим.

«Сўнгги пушаймон ўзинга душман», дейдилар. Бундай ҳолатга тушмаслик учун олдиндан эҳтиёт чораларини кўриб қўяйлик!

Подполковник **З. КЕНЖАЕВ**,
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи



Ёнғиндан хабар бериш мосламалари

Ёнғиндан хабар берувчи мосламалар (ЁХБМ) ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёнғин ва портлаш хавфи бўлган биноларга ўрнатилади ҳамда бинода ёнғин хавфсизлигини таъминлашда муҳим вазифани бажаради. Улар биноларда фавқулодда ёнғин содир бўлганда, ёнғин тўғрисида ҳарбий қисм, бўлинма бўйича навбатчи (ёнғин ўчириш бўлинма)ларига хабар бериш мақсадида ўрнатилади.

Огоҳлантирувчи мослама (детектор дыма и тепловой) бино ичида юқори иссиқлик ёки тутун ҳосил бўлганда юқори сезувчанлик хусусиятига эга ҳисобланиб, у назорат-қабул қилиш мосламасига бинода юқори даражадаги иссиқлик ёки тутун ҳосил бўлганлиги тўғрисида сигнал юборади.

Назорат-қабул қилиш мосламаси (ППСУ) тегишли мосламалардан келган сигнални қабул қилиб, мосламада ўрнатишга кўрсаткич калитлар орқали қайси бинода (хонада) ёнғин содир бўлганлиги тўғрисида овозли сигнал ёрдамида навбатчиларни огоҳлантиради.

Ёнғин ҳақида огоҳлантирувчи сигнал (ИПР). Навбатчилар содир бўлган ёнғин тўғрисида ёнғин ҳақида огоҳлантирувчи сигнал ёки алоқа воситаси орқали ёнғин ўчириш бўлинмалари ва шахсий таркибга белгиланган тартибда ёнғин содир бўлганлиги хабарини беради.

Унутманг! ЁХБМ тизимини асоссиз равишда ўчириб қўйиш, уларни ўзгартириш, мослама (датчик)лар ўрнини ўзбошимчалик билан алмаштириш тақиқланади. Суткалик навбатчилар ЁХБМ созлигини доимо назорат қилиш, фавқулодда ёнғин содир бўлганда воқеа жойига зудлик билан ёнғин ўчириш бўлинмасини чақириш, сигнални қабул қилиш пультадаги калит қайси бино (хона)даги ёнғин мосламасига тегишли эканлигини билишга мажбурдирлар.

Майор **П. БОЙКЎЗИЕВ**,
Термиз гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

ОЛОВНИ ЎЧИРГАНДАН КЎРА...

Ёнғиннинг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилинг:

- ёнғичи нарс ва суюқликларни оловдан ва иситиш асбобларидан узоқда сақланг;
- носоз электр асбобларидан фойдаланманг;
- бир нечта электр асбоблари вилкаларини бир розеткага бирданига тикманг;
- транспорт воситаларида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг;
- транспорт воситаларида ёнғичи моддаларни олиб юрманг;
- енгил алангаланувчан суюқликларни йўловчилар кўп бўлган вагонда ташиманг;
- уйда иложи бўлса, ихчам ўт ўчиргич сақланг ҳамда телефон олдида авария-қутқарув хизматлари рақамлари ёзилган дафтарча турсин.

Мумкин эмас:

- ўт ўчирувчиларни чақирмай ёнғин билан мустақил курашиш;
- электр асбобларини тоқдан ўчирмай сув билан ўчириш;
- тутунни чиқариб юбориш учун дераза ва эшикларни очиш (ёнғин тоза ҳаво кириши натижасида кучаяди);
- катта майдон ёнғин остида қолган вақтда лифтан фойдаланиш (одам лифтда қамалиб, тутундан бўғилиб қолиши мумкин);
- тутунли йўлак ёки зинапоё орқали чиқишга ҳаракат қилиш (тутун заҳарли, иссиқ ҳаво эса ўпкани куйдириши мумкин);
- тарнов қувурларидан, арқон ва бошқа нарсаларга осилиб тушиш (қулаб тушиш эҳтимоли катта);
- деразалардан сакраш (учинчи ва ундан юқори қаватлардан сакрашнинг ҳар иккинчиси ўлим билан тугайди).

Майор **Б. ЭРГАШЕВ**,
Фарғона гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

ҚАРОР ВА ИЖРО

Юртимиз мустақилликка эришгач, саноатнинг барча соҳаларида энг сўнгги технологияларни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, етакчи саноат тармоқларидан бири ҳисобланган озиқ-овқат саноатида ҳам. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш стратегик аҳамиятга эга.

Бу борада юртимизда бир қатор норматив-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фар-

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХАВФСИЗЛИГИ

монлари шулар жумласидандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Дунё-мизни ўзгартириш. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби» резолюциясида 17 та асосий мақсад, 169 та вазифа белгиланган бўлиб, шулардан иккинчи устувор мақсад «Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рақибини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш» ҳисобланади. Унга кўра, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш масалалари ўрин олган бўлиб, юртимизда бу борада алоҳида ташкилий-амалий чора-тадбирлар белгиланган.

Республикамызда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватлари ва ҳажмини оширишга

эришилмоқда. 2019 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ундан аввалги йилга нисбатан 102,7 фоизни ташкил этиб, шундан деҳқончилик 103,7 фоиз ҳамда чорвачилик 101,7 фоизлик ўсиш суръати қайд этилган. Ўтган 2019 йил давомида қиймати 30632,7 млрд сўмга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш сиёсати ҳаётга фаол тадбиқ этилаётир. Бу эса Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш ҳамда экспортга озиқ-овқат маҳсулотлари чиқаришга хизмат қилади. Биргина жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида қуввати 168 минг тонна бўлган 50 та ҳудудий янги лойиҳа ишга туширилиб, йил якунига қадар ҳудудий лойиҳалар

асосида жами 350 тага яқин озиқ-овқат корхоналари ишга туширилиши режалаштирилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда «саноат хавфсизлиги» ва «озиқ-овқат хавфсизлиги»ни таъминлаш долзарб масала ва бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш, озиқ-овқат саноатидаги хавфсизликни таъминлашда жамоавий салоҳиятни ривожлантириш, шунингдек тизимдаги мавжуд ишлаб чиқариш объектлари ва корхоналар мутасадди раҳбарларининг масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш устувор аҳамиятга эга.

Суннатилла **САБОХИТДИНОВ**,
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси маслаҳатчиси

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ҲАМКОРЛИКДА
ЯРАТИЛГАН ТАНК

Туркиянинг FNSS фирмаси ҳамда Индонезиянинг «Пиндад» компанияси мутахассислари томонидан ҳамкорликда яратилган MWT (Medium Weight Tank) русумли замонавий ўрта танк асосан локал урушлар шароитларида кенг қўлланми тактик вазифаларни ҳал қилиш, иқлими иссиқ ва нам бўлган ҳудудларда олиб бориладиган тинчликпарварлик ва махсус операцияларда қатнашиш учун мўлжалланган.

Мақсуд танк асосида ўрта тоифадаги зирхли жанговар машиналар туркумини яратиш ҳам режалаштирилган.

MWT классик компоновка (тузилиш)га эга: жанговар бўлим корпуснинг марказий қисмида, мотор-трансмиссия бўлими орақ томонда жойлашган. Машина экипажи уч кишидан иборат. Командир, нишонга олувчи (наводкачи) ва ўқловчи башняда жойлашди. Буюртмачи талабига кўра, танкка тўпни ўқлаш автомати ўрнатилиши мумкин. Машинанинг жанговар оғирлиги 35 тонна, узунлиги 8,5 метр, эни 3,3 метр, баландлиги башня томигача 3,1 метр (ёки масофадан бошқарилувчи 7,62 мм.ли пулемётга эга бўлган жанговар модуль ўрнатилган ҳолатда 3,3 метр)ни ташкил этади. Шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 65 км. Машина -18 дан +55 даражагача бўлган ҳароратда, юқори намлик шароитларида фойдаланиш учун мослаштирилган. Танкнинг асосий қуроли барабан типидagi ўқлаш автоматига эга бўлган 105 мм.ли нарезкали тўп. Ердамчи қуроллари - 7,62 мм.ли жуфтлаштирилган пулемёт, башня бортларига махсус зирхли контейнерларда жойлаштирилган танкка қарши бошқарилувчи ракеталарни ишга тушириш қурилмаси (иккита ёки тўртта). Танк замонавий ўт очишни бошқариш тизими билан жиҳозланган. MWTнинг туб қисми миная қарши кучайтирилган ҳимояга эга.

ИМКОНИЯТЛАРНИ
АНЧА ОШИРАДИ

Жанубий Корея Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли жанговар техника таркибидан жой олган КС-330 типидagi транспорт-ёқилғи қўйиш самолёти Европанинг «Эрбас» компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига кўра, бундай типдаги машинанинг ҲҲК таркибидан жой олиши тактик қирувчи самолётларнинг ҳавода бўлиш вақтини анча оширади, бу эса Япония билан тортишувларга сабаб бўлиб келаётган Токто (Такэсима) ороллари, шунингдек, мамлакатга қарашли бошқа узок ҳудудларни химоя қилишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтга келиб бу турдаги самолётлардан учтаси харид қилинган ва улар жорий йилнинг июли ойидан фойдаланишга қиритилиши режалаштирилган. КС-330 ўз бортида 110 тонна ёқилғи олиб юриши мумкин, самолётнинг максимал парвоз масофаси 12,6 минг километрни ташкил этади. Ҳавода бўлиш вақтида у F-16 типидagi 20 та қирувчи самолётни ёқилғи билан таъминлаш имконига эга. Бундан ташқари, КС-330 ўз бортида 300 нафаргача Ҳарбий хизматчи ва оғирлиги 47 тоннагача бўлган турли юкларни олиб учизи мумкин.

СОВРЕМЕННЫЙ
РАКЕТНЫЙ КОМПЛЕКС

Зенитный ракетный комплекс (ЗРК) средней дальности LY-80 китайского производства (обозначение в КНР «Хунци-16») состоит на вооружении сухопутных войск Пакистана с 2017 года. Боевой комплекс предназначен для борьбы с воздушными целями на дальности до 40 км, летящими на средней и малой высоте.

В состав дивизиона противовоздушной обороны входят: машина управления, радиолокационная станция (РЛС) обнаружения целей, три РЛС сопровождения целей и до 12 пусковых установок (ПУ) зенитных управляемых ракет (ЗУР). ПУ с шестью контейнерами вертикального старта ракет смонтирована на шасси грузового автомобиля повышенной проходимости ТА 5350 (колесная формула 6 х 6). Машина оснащена дизелем с турбонаддувом мощностью 250 л.с., максимальная скорость движения по шоссе 80 км, запас хода по топливу 800 км. Треккоординатная РЛС IBIS150 с фазированной антенной решеткой, установленной на телескопической мачте, имеет максимальную дальность обнаружения воздушных целей 140 км, распознавания - 100 км, станция способна сопровождать одновременно до 48 целей. Стартовая масса ЗУР 690 кг, масса боевой части 70 кг, максимальная скорость полета 1200 м/с, длина ракеты 5 м, диаметр 0,34 м.

ОСНАЩЕНА
ПРОГРАММИРУЕМЫМ
ВЗРЫВАТЕЛЕМ

Военно-воздушные силы Японии подписали контракт на закупку авиационных крылатых ракет JSM (Joint Strike Missile) для оснащения приобретенных у США истребителей F-35A «Лайтнинг-2».

Заклучив данный контракт, Япония стала первым покупателем ракеты JSM производства норвежской группы «Конгсберг», предназначенной для высокоточного поражения наземных и надводных целей. Она разработана с учетом возможности размещения во внутренних отсеках вооружения истребителя F-35A. Длина ракеты 4 м, масса 416 кг. Бронейбойно-фугасная боевая часть имеет массу 226 кг и состоит из 100-кг заряда в 120-кг титановом корпусе с программируемым взрывателем. Ракета оснащена раскладным крылом и турбореактивным двигателем. Дальность стрельбы крылатой ракеты JSM до 100 морских миль по маловысотному профилю полета и до 300 миль - по высотному. С учетом того, что испытания предсерийной партии этих ракет в составе вооружения истребителей F-35A закончатся только к 2023 году, японские ВВС смогут получать ракеты этого типа после начала ее серийного производства, но не раньше 2023-2024-го.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



ГУМОНДОРЛАР ХИБСГА ОЛИНДИ



хИБСГА олган. Улар хорижий давлатлар разведкаси билан алоқа қилганликда айбланмоқда.

Бундан ташқари, Керманада Эронга қарши иш кўраётган яширин гуруҳ аъзолари ҳам хИБСГА олинган», дейди агентлик маҳаллий инқилобий суд раҳбари Ахмад Корбанининг маълумоти таяниб.

АҚШНИНГ ЭНГ БОЙ АЁЛИ



компаниянинг 36 миллиарда тенг пакетини қўлга киритган. Аёлнинг ҳазинасига яна 2 миллиард қўшиладиган бўлса, у Ер юзининг энг бадавлат аёлига айланиши мумкин.

Бугунги кунда сайёрамизнинг энг бой аёли «L'Oreal» компанияси асосчисининг набираси, 64 миллиард доллар эгаси Франсуаза Бетанкур-Майердир.

ПЛЯЖДАГИ ФОЖИА



сайёхлик маъмуриятига таяниб. Дам олувчилар Полиция назоратидан холи бўлиш мақсадида коронавирус пандемияси сабаб ишламаётган, энг хавфли пляжлардан бирига ташриф буюришган. Бир пайт денгизда чўкаётган болакайни қутқариш учун бирин-кетин 10 киши ўзини сувга отган. Афсуски, уларнинг бари, жумладан ёш бола ҳам ҳалок бўлди.

Миср шимолидаги Александрия шаҳри яқинидаги денгизда 11 киши чўкиб кетди, дея хабар тарқатган «The Telegraph» нашри маҳаллий марказий

ЧЕТ ЭЛ АРМИЯЛАРИДА

ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ КУЧ ТУЗИЛМАЛАРИДА ОТЛИҚ ВА КАВАЛЕРИЯ ҚИСМЛАРИ

Кўплаб давлатлар Қуролли Кучларининг Қуруқликдаги қўшинлари таркибида нафақат юк ташишга мўлжалланган, балки жанговар отлиқ бўлинмалар ҳам ташкил этилган. Америкалик киноижодкорлар томонидан суратга олинган «Жанговар от» фильмини кўрган бўлсангиз керак. Фильмда уруш даврида жангчиларнинг яқин дўсти ва ҳамроҳига айланган отларнинг қандай жасорат ва садоқат соҳиби эканлиги ёрқин сюжетлар орқали кўрсатиб берилган.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди)

Бундан деярли 30 йил аввал Болқонда содир бўлган воқеалар отлардан жанговар шароитларда муваффақиятли фойдаланишнинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин. Хусусан, 1992 – 1995 йилларда Босния ва Косоводаги уруш даврида тинчликпарвар кучлар ҳам, уларга қарши кураш олиб борган террорчи гуруҳлар ҳам, шунингдек, контрабандчилар ҳам жанговар шароитларда, Болқоннинг ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларида отлардан кенг фойдаланганлиги кўплаб фото ва кинолавҳаларда акс эттирилган.

2001 йил июлида **Австрия** армиясининг махсус отлиқ бўлинмаси Драгаш баланд тоғ ҳудудида муваффақиятли операцияни амалга ошириб, 55 нафар жангари, 7 тоннадан ортиқ қурол ва ўқ-дориларни олиб кетаётган 50 та юк ташувчи жонивор (хачир)дан иборат бўлган катта карвонни қўлга туширган.

Чили Қуролли Кучлари таркибидан жой олган отлиқ бўлинмалар асосан Анд тоғларидаги доволарни назорат қилишга мўлжалланган. Зеро, бу ҳудудларда террорчи ва жангари гуруҳлар замонавий техникалардан фарқли равишда ўрмон ва тоғ сўқмоқлари орқали бемалол ҳаракатланиши мумкин бўлган отлардан ҳар томонлама фойдаланиш имконига эга ва бу ҳолат мамлакат хавфсизлигига жиддий хавф туғдириб келади.

Хиндистон армиясининг 61-кавалерия (отлиқ) полки бўлинмаларининг асосий вазифаси саҳронинг оғир транспорт техникалари ҳаракатланиши имкони бўлмаган ҳудудларида жанговар топшириқларни бажариш, вазият кескинлашган вақтларда чегарачиларга ёрдам беришдан иборат.

Қозғистон Қуролли Кучларининг 5-мотоўқчилар бригадаси таркибидagi отлиқ тоғ-егерлар батальони мамлакатнинг жанубий тоғли ҳудудларидаги давлат чегараларини қўриқлашда чегара қўшинларини қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш учун мўлжалланган. Батальон таркибидан 2 та отлиқ тоғ-егерлар ротаси ва отлиқ миномёт батареяси жой олган.

Хитой халқ-озодлик армияси таркибида эрта баҳордан то кеч кузгача Ички Монголия ҳудудида патруллик хизматини олиб бориш учун мўлжалланган ва 140 дан ортиқ отлар билан таъминланган отлиқ бўлинма ташкил этилган. Қиш даврида бўлинма ҳарбийлари сони қисқартирилади ва фақат отларни қўриқлаш ҳамда парваришлаш учун зарур бўлган кам сонли ҳарбий хизматчилар қолдирилади.

Ҳозирги вақтда дунёдаги кўплаб мамлакатлар полиция хизматларида ҳам отлардан кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, Европада отлиқ полициядан оммавий тартибсизликларни бостириш, биринчи навбатда агрессив (тажовузкор) гуруҳлар ва футбол фанатларига қарши операцияларда кенг фойдаланилади.

Шу билан биргаликда, ҳар бир мамлакатда отлиқ полиция ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, **Нидерландияда** бундай бўлинмалар оддий патруллик хизмати билан бир қаторда, Гаага пляжларида жамоат тартибини сақлашда иштирок этади, махсус ўргатилган отлар чўкаётганларни кўтаришда ёрдам бериши ҳам мумкин.

Испанияда, аниқроғи, Барселона шаҳрида тартибни сақлаш учун отлар махсус аллур, яъни ўзига хос тарзда йўргалаб юришга ўргатилади. Бу эса ғазабланган оломонни тинчитишда катта ёрдам



беради. Отлиқ полициячиларнинг тезкор қадамлар билан тартиб-бузарлар томон бундай юриши уларни шок ҳолатига туширади, оломонни тарқатиш ва улар орасидаги энг тажовузкор одамларни ажратиш қўйиш имконини яратади.

Япония пойтахти Токиода отлиқ полиция зиммасига автомобиль йўлларидаги ҳаракатни бошқариш вазифаси ҳам юкланган. Мазкур бўлинма жуда оғир шароитларда ишлашига тўғри келади, чунки Токио йўлларидаги тезкор автомобиль йўналишлари дунёдаги энг интенсив (қизгин) ҳаракатлардан бири ҳисобланади.

АҚШда отлиқ полициянинг энг кўп сонли (120 та махсус ўргатилган отларга эга бўлган) бўлинмаси Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Бўлинма ходимлари шаҳарда йўл ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқаришда қатнашади, миллий паркларда патруллик вазифаларини бажаради, улар норозилик намойишларини тарқатишга жалб этилиши мумкин.

1873 йилдан буён фаолият юритиб келаётган **Канада** қироллик отлиқ полицияси дунёдаги энг машҳур бўлинмалардан бири ҳисобланади. У 1896-1897 йиллардаги олтин вазвасаси даврида ном чиқарган. Ўша вақтларда Клондайк дарёсида олтин топилгани тўғрисидаги хабар бутун Америка бўйлаб тарқалган ва минглаб авантюрист (таваккалчи)лар осон пул топиш мақсадида бу ерга оқиб кела бошлаган. Бу эса Канада отлиқ полициячилари зиммасига одамлар оқимини тартибга солиш, муайян қонун-қоидаларни белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш, тегишли ҳудудларда тартибни сақлаш ва жиноятчиларни қўлга олиш каби вазифалар юкланишига сабаб бўлган.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ОИЛАВИЙ АЖРАЛИШЛАР КАМАЙМОҚДА



«Ховар» ахборот агентлигининг хабар беришича, Тожикистон Республикаси пандемия даврида никоҳдан ўтиш ва оилавий ажралишлар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда анча камайган. Хабарда айтилишича, ўтган олти ойда никоҳдан ўтиш ҳолатлари 29 955 (2019 йилда 33 265) марта қайд этилган бўлса, ажралиш ҳолатлари 5 486 (2019 йилда 6 065) тани ташкил этган. Экспертларнинг таъкидлашича, пандемия шароитида дунёдаги ҳатто намунали оилалар ҳам тўрт девор ичида кечадиган жанжалларга дош бера олмай бузилиб кетмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА – ИККИНЧИ



Қирғизистон Республикаси ахборот технологиялари Давлат қўмитаси матбуот хизматининг маълум қилишича, БМТ томонидан ўтказилган тадқиқот якунида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича Қирғизистонга Марказий Осиё мамлакатлари орасида иккинчи, электрон ҳукумат бўйича умумжаҳон индексида 193 та давлат ичида 83-ўринни эгаллади. Бу электрон ҳукумат ривожланганлик даражаси бўйича кейинги 10 йил давомида энг яхши кўрсаткичдир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

70 ФОИЗИДА COVID-19 – «МУСБАТ»



Афғонистон Миллий ассамблеяси депутатларининг тахминан 60-70 фоизи корона-вирус инфекциясига чалинган, деб хабар тарқатди 1TV News телеканали мамлакат парламенти берган маълумотга таяниб. Телеканалнинг таъкидлашича, Қобулдаги касалхоналарнинг бирига COVID-19 инфекциясига тест топшириш учун бир нечта ҳукумат аъзолари ва қатор депутатлар келган. Уларда тест натижалари ижобий чиқди. Сўнгги маълумотларга кўра, Афғонистонда сал кам минг киши пандемия қурбони бўлди.

БЕХРУЗНИНГ ГЎЗАЛ ОЛАМИ БОР

Иқтидор, Яратганнинг инсонга ато этган буюк неъматларидан бири. Уни юзага чиқариш, сайқаллаш ҳам масъулиятли жараёнки, бу залворли вазифани муваффақиятли адо этганлар эл назарига тушади. Ҳарбийлар оиласида туғилиб вояга етаётган Беҳруз Турғунов ҳам ёш бўлишига қарамай ҳарбий шаҳарчадаги каттаю кичикнинг эътиборига тушган истеъдод соҳибларидан бири.

Беҳруз – подполковник Баҳодир Мўминовнинг фарзанди. Онаси Матлуба опа эса ҳарбий шаҳарчадаги тикув цехида чевар бўлиб ишлайди. Беҳруз уларнинг тўнғич фарзанди. Болалигидан тасвирий санъатга қизиқиб, турли жанрларда ижод қилиб келаётган Беҳрузнинг чизган расмларини томоша қилар экансиз, уларда болаларга хос соддалик ва бегуборликни кўрасиз. Беҳруз расм чизиш жараёнида ўз фантазиясига таянади. Расмларни шунчаки кўр-кўрона эмас, балки уларга юрак кўрини бериб, меҳр билан чизади.

– Фарзандларнинг қизиқиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришда бир жиҳатдан ота-онанинг ҳам ўрни бор, – дейди Матлуба опа. – Беҳруз жуда кичкиналигидан расм чизишни

бошлаган. Биринчи марта ўзининг ўйинчоқлари расмини чизган. Тўғриси, кўриб ҳайратланганмиз. Кейин эса бирин-кетин турли нарсаси-буюмларнинг суратини чиза бошлади. Аввалига бу шунчаки ҳавас бўлса керак, деб ўйладик. Лекин Беҳруз чизаётган расмлар борган сари мукаммаллашиб, мавзуси ва йўналиши кенгайиб борарди. Бу эса ундаги қизиқиш ва интилишнинг кучли эканлигидан далолат эди.

– Ўғлингизга бу хислат кимдан ўтган? Чунки одатда ота ёки онадаги истеъдод вақти келиб фарзандда бўй кўрсатади, дейишади.

– Мендан ўтган бўлса керак. Чунки ёшлигимда менда ҳам расм чизишга қобилият бор эди. Мактабда ўқиб юрганимизда расм дарсида устозимиз ўқувчиларга мавзу



бериб, менга шу мавзунинг доскага чизишмини айтарди. Мен мароқ билан расм чизардим. Умуман, уйдаям қўлим бўш қолди дегунча, қоғоз, қалам олиб расм чизишга тушардим. Беҳрузнинг биринчи чизган расмини кўрганимда болалигим ёдимга тушди. Мендаги қобилият ўғлимда бўй кўрсатганидан ўзимда йўқ сезиндим. Кейин турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, уни расм чизиш тўғрарига бердик. Айни вақтда Ширин шаҳридаги 3-сонли мусика ва санъат мактабида таҳсил оляпти. Мана шу даргоҳ Беҳрузнинг иқтидорини тўлиқ намоён қилишида муҳим ўрин тутаяпти.

Матлуба опа суҳбат асносида

бизни Беҳрузнинг хонасига бошлади. Мана, Беҳруз чизган расмлар. Ҳар бирида жонли образларнинг гўзал қиёфаси мўжассам. Улар орасида табиат тасвири, мультфильм қаҳрамонларидан тортиб, машҳур инсонларнинг портретларигача бор. Биз бу расмларни томоша қилар эканмиз, улар шу кичик ҳаваскор расмнинг ижод маҳсули эканлигидан, ростки, ҳайратландик.

– Расм чизиш мароқли иш, – дейди Беҳруз. – Айниқса, чарчаб турганимда табиат манзарасини қоғозга туширсам, чарчоқларимни унутаман, руҳим энгил бўлади. Айни вақтда кўпроқ портрет жанридаги суратларни чизаямман. Дадамнинг портрети устида иш бошлаб қўйганман. Нега айнан дадангизнинг портрети, дейсизми? Чунки дадам мен учун жасур ва мард ҳарбий хизматчилар тимсоли. Мен ҳам келажақда улардек бўлишга интиламан.

Фикрлари теран, энг асосийси, ўзининг мустакил дунёқарашига эга қаҳрамонимизнинг ойдin орзулари амалга ошишига тилакдошимиз.

Майор Гулнора
ҲОЖИМУРОВОВА

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

ҚУШЛАР

Овчи йўлнинг чеккасига тузоқ қўйиб, ўзи бир четда кузатиб турди. Тўрнинг ичидаги донга алданган бир гала қушлар тузоққа тушди. Овчи уларни тутишга келаётган пайтда қушлар тўрни кўтариб «пир» этиб осмонга учиб кетди. Улар устида тўр билан бир йўналишда учаётганидан ҳамма ҳайратда, овчи эса уларни тутиш учун йўлда эди. Куч бирлигига тўр ҳам, овчи ҳам раҳна соломлади. Қушлар борган сари баланд учаверишди. Уларнинг ортидан кузатиб кетаётган овчига бир одам тасодифан савол билан юзланиб:

– Сен уларни нега қувиб юрибсан? – дебди.
– Тўрдаги қушларни тутиш учун, – жавоб берибди овчи.
– Эсинг жойидами? Осмондаги қушларни тутиб олоқчимисан?
– Ҳа, тўрда битта қуш бўлса эди тўтолмасдим. Кўриб турганингдек улар кўпчилик. Албатта, тутиб оламан, – дебди у.

Буни қарангки, натижа овчи айтганидек бўлиб чиқибди. Чунки йўл ярмида қушларнинг ҳар бири алоҳида тарафга кетишни хоҳлабди. Бири тоққа кўнамиз, деса, бошқаси кўл ёнига тушамиз, дебди, яна бири эса буталарга қўнишни маъқул кўрибди. Тўр ичида ҳар тарафга учмоқчи бўлган қушлар натижада ерга қулаб тушибди. Овчи ҳам дарров етиб келиб, қушларни тутиб олибди. Хулоса шуки, «Бўлингани бўри ер, айрилгани айиқ», деб бежиз айтишмаган.

ТИКАН

Қадимда мамлакатларнинг бирида даҳшатли жазо тури бўлиб, жиноят қилган инсонни оч арслонлар исканжасига ташлаб едиришар экан. Томошага тўлган оломон мудиҳи манзаранинг гўвоҳи бўларди. Бу кунги жазо хоҳасининг қузуридан қочган қулга нисбатан қўлланди. Шундай қилиб, очик майдонга қушларни келтиришди. Сўнг қафасдаги оч арслонлардан бирини қўйиб юборишди. Мазлумнинг олдида шиддат билан келаётган арслон бирдан тин олди ва қулнинг қўлларини ялай бошлади. Томошага йиғилганлар бу ҳодисанинг сабабини билолмай ҳайратда эди. Ҳамма қулга юзланди.

– Мен илк бор бу арслонни қафасга тушмасидан аввал ўрмонда учратганман. У ўшанда панжаларига тиканлар кириб, ярадор ҳолда ётарди. Кейин аста ёнига бориб, панжалари орасидан тиканларни сугуриб, оғриқдан халос этдим. Шундан сўнг биз арслон билан дўст бўлдик, – деди мазлум қул одамларга юзланиб.

Воқеани эшитган халқ кўзига ёш олди. Шундан сўнг ҳукмдор арслонни ҳам, қулни ҳам озод қилишга қарор қилди. «Агар биз ҳаммага меҳрли бўлсак, бутун олам, ҳатто ҳайвонлар ҳам бизга дўст бўлар экан. Уларнинг озод бўлишига ҳақиқий дўстлиги сабаб, бўлди», дея подшоҳ сўзини яқунлади.

ЧЎПОННИНГ ЧОПОНИ

Аҳмад Дайнинг бошига кўп ташвиш тушди. Бу воқеалар даҳшатли уруш йилларига тўғри келди. Севимли аёли хасталик сабаб, вафот этди. Биттагина фарзанди ҳам йўқолиб қолди. Аҳмад Дайи шаҳардаги ишини ташлаб, қишлоққа келиб, чўпонлик қила бошлади. Бир кун йўл четида қўйларни ҳайдаб кетаётган пайт, шаҳар томон отланган одамларга кўзи тушди. Навқирон ёшида оғир хасталикка чалинган боланинг шароити оғирлигини бир қарашда англаган чўпон устидаги эски замондан қолган чопонини ечиб, беморга кийгизиб қўйди. Орада Аҳмад Дайи бошидан ўтган кўргиликларни болага гапириб бериб, унга



Ҳикояларни тинглаш
учун QR-коднинг
сканер қилинг.

шифо тилаб хайрлашди.

Бемор шаҳардаги шифохонага жойлашиб, таҳлил натижаларини кутаётган эди. Шу пайт бемор ортидан бир болакай «Отажон!» деб югуриб келди. Бироқ болакайнинг отаси у эмасди.

– Узр, кечиринг. Сизни отамга ўхшатиб юбордим. Унинг ҳам худди шундай чопони бор эди.

– Отангиз ким? Нега унинг олдида эмасиз?
– Йўқолиб қолганман. Ўзим уйимни тополмайман. Кейин кўп касал бўлдим. Мени топиб олганлар шу шифохонага олиб келишди, – деди бола кўзларида ёш қалқиб.

Болакайнинг сўзларини тинглар экан, беморнинг хаёлига чўпон айтган гаплар келаверди. Шунда у:

– Отанг Аҳмад Дайи эмасми? – деди.
– Ҳа, у кишини танийсизми? – боланинг юзида қувонч пайдо бўлди.
Икки йигитнинг суҳбати қизгандан-қизиб, яхшилаб танишиб олди. Бемор шифохонадан чиқиб, қишлоққа қайтишда болакайни отасига ташлаб кетишга ваъда берди.

Шундай қилиб ота-бола дийдор кўришдилар. Аҳмад Дайи бировга қилган биргина яхшилиги фарзанди топилишига сабаб бўлганидан қувониб, юм-юм кўз ёши тўкди.

ОЙНА

Вазир мулозимлари билан сафарга отланиб, йўлдаги қул бозорига кириб ўтишини айтибди. Бир маҳаллар озиқ-овқат сотиладиган бозорни ҳукумат талон-торож қилгандан буён бу ерда фақат қушлар сотиладиган бўлган экан.

Бу ерда эркини йўқотган асирлар, мискинлар сотиларди. Вазир уларни яқиндан қўришни хоҳлабди ва яқинроқ борибди. Қушларнинг орасидан ёшроғи вазирга секингина юзланиб:

– Афандим, либосингизнинг елка қисмида бир доғ бор экан, – деди. Вазир қул айтган жойга қаради. У рост гапирган экан. Ҳақиқатан ҳам вазирнинг елкасида доғ бор эди.

Вазир ўйланиб қолди. Наҳотки, неча соатлардан бери шу ҳолда келаётган бўлсан, деб мулозимларига юзланди:

– Менинг аҳволимни ҳаммангиз кўргансиз, лекин ҳеч бирингиз индамадингиз, – деди. – Шу қул менга ҳақиқатни айтди. Дўст дўстга ойна бўлиши керак. Билдимки, ҳақиқий дўстим шу оддий қулдир. Шу вақтгача буни билмаган эдим. Шундай экан, дўстимнинг қул сифатида сотилишига йўл қўймайман! Уни дарҳол озод этинглар! Бундан буёғига у мен билан саройда яшайди, – деган экан.

Қулнинг тўғри сўзлагани сабаб бўлиб вазир уни ўзига дўст қилиб олибди. Энди қулнинг бутун умри роҳат-фароғатда ўтади.

Туркчадан Шохсанам
НИШОНОВА таржимаси





Tengdoshlaringiz ijodidan

VATAN

Ajib bir maskansan,
Go'zal bir diyor.
Bog'laru tog'laring,
Ajib, betakror.
Quchog'ing to'la nur,
Mehring betakror.
Olaman ko'p huzur,
Senda sehr bor.

Madhingga til ojiz,
Ey, aziz o'lkam.
Sening har tomoning
Chiroyli, ko'rkam.
Tengsiz jamolingga,
Dunyo berar tan.
Seni ardoqlaymiz,
Ey, aziz Vatan!

Muazzam SHAROFIDINOVA, Toshkent viloyati

SHOKOLAD

Anvarjon buvasi bilan Maxsum bobonikiga bordi. Ularni chiroyli dasturxon bezatilgan xonaga o'tkazishdi.

Duoyi fotihadan keyin qariyalar hangomaga o'tishdi. Anvarjon mudray boshladi. Esnay-esnay, buvasining pinjiga suqildi. Shodmon buva nabirasini bag'riga oldi. U endi shokolad to'la idishga yaqin bo'lib qoldi. Uyqusi qochdi. Sal o'tmay, bir ko'zini ochib, Maxsum boboga qaradi.

Anvarjonni dasturxondagi shokoladdan bosh-qa narsa qiziqitirmas edi. Kattalar g'alati. To'yu marosimlarda dasturxon zo'r bezatiladi-da, oling-oling, deyaverishadi. Olma yoki bir dona konfetga qo'l tekkizib ko'ring-chi?!

Anvarjon bitta shokoladni sekin olib, jajji qo'lchalari bilan g'ijimlab o'tiraverdi.

Ular muyulishga yetganlarida Shodmon buva to'nkaga cho'kdi. Anvarjon uyiga tomon yugurdi. Darvozaxonadan kirishi bilan mushtini yozdi. Shokolad erib, barmoqlariga yopishgan edi.

Ostonada oyisi paydo bo'ldi.

– Ukangni ovut, do'konga yog' kelibdi. Men tezda qaytaman, – deya chiqib ketdi.


Belanchakdagi Azizjon akasini ko'rib, battar big'illadi. Anvarjon olmaxon surati tushirilgan shokoladni asta ochib, ukasiga tutqazdi-da, kaftini yaladi. Azizjon guruchdek tishlarini ko'rsatib qiqirlar edi.

M. TO'LAGANOVA

LABIRINT



Matematika olami



O'YLA, IZLA, TOP!



Suratlarda nima ortiqcha?

15 ИЮЛЬ – БУТУНЖАҲОН ЁШЛАР КЎНИКМАЛАРИ КУНИ

НИМА МАҚСАДДА ТАЪСИС ЭТИЛГАН?



Бутунжаҳон ёшлар кўникмалари куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2014 йил декабрь ойида ёшлар кўникмаларини шакллантириш, ишсизлик ва бандлик муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш мақсадида таъсис этилган.

Бу кунни ташкил этиш ғояси Шри-Ланканинг БМТдаги вакиллариға тегишли бўлиб, улар Бош Ассамблеянинг йиғилишларидан бирида ёшларнинг ишсизлик даражаси ўсиб бораётганидан ташвишда эканликларини билдирган эди.

Ёшлик бу – ҳаётнинг энг фаол даврики, инсон бу босқичда жамиятнинг фаол аъзосига айланади қатнашади, мансаб пиллапояларида кўтарилади, оила аталмиш кичик Ватан куради. Ёшларнинг қўшимча кўникмаларни эгаллаши уларнинг ўзгарувчан меҳнат бозорига киришини оsonлаштиради ҳамда иш ва ҳаётга оид тўғри қарорга келишига ёрдам беради, деб тахмин қилинади.

Мамлакатлар ҳукумати ишсизлик каби зарарли ҳодисага қарши самарали курашиши ва ёшларнинг иқтисодий шароитларини яхшилашига ёрдам бериши керак. Таклиф этилаётган иш ўринлари камайиб бормоқда ва меҳнат бозориде тенгсизлик даражаси ўсмоқда. Дунёдаги ҳар бешинчи ёш, ҳатто иш ўрнига эга бўлиб ҳам камбағаллик чегарасида ҳаёт кечиради. Шунингдек, ҳар беш кишидан бири таълим олиш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари, аёллар кўпинча кам ҳақ тўланадиган ёки мутахасссизлигига тўғри келмайдиган ишларга, ярим қулиқ иш вақтига ёки вақтинчалик шартномалар асосида ишлашга мажбур бўлишади.

Меҳнат бозори ўзгариб бормоқда ва ёшлар доимий равишда янги шароитларга мослашишлари ҳамда тегишли кўникмаларни эгаллашлари зарур. Шунингдек, кўникмаларни ривожлантириш, таълим тизими ва профессионал тайёргарлик меҳнат бозориде муваффақиятнинг асосий омили ҳамда жамият ҳаётининг муҳим кўрсаткичидир. Шу сабабли ёшларни ўқитиш ва уларни иш билан таъминлаш БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги кун тартибиде алоҳида ўрин тутаети. Ва жамоатчилик этиборини ёшлар ишсизлиги муаммосига кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашда ёрдам берадиган асосий восита сифатида малакаларини ривожлантириш ҳақидаги хабардорликни ошириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш учун курашиш мақсадида Ёшлар кўникмалари куни ташкил этилди.

БМТ Бош Ассамблеяси аъзо давлатларни, БМТ тизимидаги ва бошқа халқаро, минтақавий ташкилотларни, шунингдек, фуқаролик жамиятини ушбу кунни миллий устуворликларни ҳисобга олган ҳолда, маънавий-маърифий

тадбирлар орқали нишонлашни тавсия этади. Шунга кўра, бир қатор мамлакатларда конференциялар, ўқув маърузалари ва касбий тайёргарлик, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари бўйича семинарлар ташкил этилмоқда. Таълим муассасаларида мавзуга оид машғулотлар ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг кўргазмалари ўтказилмоқда. Хайрия фондлари эса ижтимоий лойиҳаларни ривожлантириш учун маблаг йиғмоқда.

World Skills ҳаракати – даврнинг энг янги тенденцияларидан бири сифатида 22 ёшгача бўлган ёш, малакали ишчилар ва талабалар танлови ҳамдир. Ёшлар иш жойларидан фотосуратларни интернет тармоғига жойлаб боришади. Бу нафақат малака ва ютуқларни реклама қилиш, балки World Skills ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун замонавий касблар ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги муассасаларда янги муносабатларни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

С. МАМИРЖОНОВА
тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Ёшлар билан жангу жадал
ичра кир.
Енгиш тадбирини
кексадан қидир.
Агар ёшлар булса
ботиру чаққон,
Кексаларнинг қалби
чораларга кон.

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билик» асарида унга шундай таъриф берган: у нарса ҳовлингдаги арслон, у сени бошқа йиртқиқлардан ҳимоя қилади. Зинҳор уни бўш қўйма, акс ҳолда у қафасини бузади. Аллома нимага таъриф берган?

Жавоб: тил.

БИЛАСИЗМИ?

Қадимги ҳинд табиблари инсон 500 йилдан ошиқ умр кўриши мумкин, дейишган. Бунинг учун аввало парҳез ва махсус гиёҳлардан тайёрланган элексир таклиф этишган. Қизиги, элексир таркибига Ўзбекистонда ҳозир ҳам севиб истеъмол қилинадиган иккита озуқа маҳсулоти ҳам қўшилган. Улар нима?

Жавоб: сўт ва аса.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Хизмат кўрсатиш
доирасидан
ташқарида»ги
болалик

Дунё тарихидаги
саркарда аёллар

VATANPARVAR

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОҒАА
ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

майор
Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

Исломжон ҚУЧҚОРОВ
Саҳифаловчилар:

лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусахҳихлар:

Зебо САРИЕВА
Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА
Муаттар МЕЛИЕВА

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган
қўлғамалар тақриз қилинмайди
ва муаллифларга қайтарилмайди.
Мудоғаа вазирлиги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар
департаменти
«Ватанпарвар» Бирлашган
тахририятнинг компьютер
марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2008 йил
6 июнда 0535 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газетанинг етказиб берилиши
учун обунани расмийлаштирган
ташкилот жавобгар.
Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Буюртма: г-762
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 32 660 нуска.
Босишга топшириш вақти:
14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан
чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-
дорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш.,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Манзилимиз:

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.